

*Ўзбекистон футбол ассоциацияси
Ижроия қўмитаси бюросининг
2019 йил “ ___ ” _____ даги
_____сонли қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН*

ЎЗБЕКИСТОН ПРОФЕССИОНАЛ ФУТБОЛ КЛУБЛАРИ УЧУН 2019 ЙИЛГИ МАВСУМ МУСОБАҚАЛАРИ РЕГЛАМЕНТИ

Ушбу регламент (бундан буён — Регламент) Ўзбекистонда профессионал футбол клублари ўртасидаги мусобақаларни ўтказишнинг шартлари ва низомларини белгиловчи, ФИФА, ОФК, ЎФА ва ЎзПФЛ Уставлари ҳамда амалдаги қонунчиликка мувофиқ ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатдир. Бундан буён 2018 йил учун мўлжалланган регламент ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Тошкент шаҳри, 2019 йил

ТЎЛИҚ ВА ҚИСҚА НОМЛАР АТАМАЛАР ТАЪРИФИ

ФИФА	- Халқаро футбол уюшмаси
ОФК	- Осиё футбол конфедерацияси
ЎФА	- Ўзбекистон футбол ассоциацияси
ЎФА Маъмурияти	- ЎФА президенти, вице-президентлари, ЎФА бош котиби
ЎзПФЛ	- Ўзбекистон профессионал футбол лигаси
ЎзПФЛ	- ЎзПФЛ бош директори, ЎзПФЛ бош директорининг биринчи ўринбосари, ЎзПФЛ бош директорининг ўринбосари, Мусобақалар ўтказиш ва ЎзПФЛ клубларини назорат қилиш бошқармаси бошлиғи ва Лицензиялаш бўлими бошлиғи
Маъмурияти	
ҲИК	- ЎФАнинг Ҳакамлар ва инспектор қўмитаси
ИК	- ЎФАнинг Интизом ва одоб-ахлоқ (этика) қўмитаси
ФМЎҚ	- ЎФАнинг Футболчилар мақоми ва ўтиши бўйича қўмитаси
ПФК	- Профessional футбол клуби
ФА	- Футбол академияси
ҲА	- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент ш. ҳудудий футбол ассоциациялари
Мусобақалар	- Футбол бўйича Ўзбекистон ПФКлари ўртасида мусобақалар - Суперлига, Про- лигалар, кубоклар
U-21	- U-21 чемпионати (ўринбосарлар лигаси)
Суперлига	- Суперлига жамоалари ўртасида Ўзбекистон чемпионати
Про-лига	- “А”, “В” Про-лигалари жамоалари ўртасидаги Ўзбекистон биринчилиги
Кубок	- Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги учрашувлари

Суперкубок	- Суперлига ва Ўзбекистон кубоги ғолиблари ўртасидаги финал учрашуви
ПФЛ кубоги	- “В” Про-лигаси жамоалари ўртасида мавсум аввалида ўтказиладиган ҳамда “А” Про-лигаси учун йўлланма берадиган мусобақа
Ёш футболчи	- 1997 й.т. ва ундан ёш футболчи
ЎзПФЛ комиссари	- ЎзПФЛ томонидан учрашувнинг ташкил этилиши ва ўтказилишини назорат қилиш учун тайинланган шахс
Учрашув инспектори	- ЎФА томонидан тайинланган ва учрашув давомида ҳакамларни баҳолаб борадиган шахс
Футбол ҳаками (ҳакам)	- ЎФА томонидан Футбол ўйини қоидалари ва тартибга солувчи бошқа ҳужжатларга мувофиқ учрашувни назорат қилиш ва бошқариш учун тайинланган шахс
Компенсация	- ЎФАнинг Футболчилар мақоми ва ўтиши бўйича регламентига мувофиқ футболчиларни ўқитиш, тайёрлаш, маҳоратини ошириш учун сарфланган ҳаражатларни қоплаш учун амалга ошириладиган тўлов
Профессионал футбол клуби	- ЎзПФЛ мусобақаларида иштирок этадиган, ЎзПФЛ миллий лицензиясига эга футбол клуби
Футболчининг меҳнат шартномасини рўйхатга олиш	- Мутасадди ташкилот (шахс)нинг спортчини профессионал футболчи сифатида қайд этиш бўйича ҳаракати
Футболчининг ўтиши (трансфери)	- Футболчининг ўтиши (трансфери) деганда унинг мусобақа иштирокчиси сифатида рўйхатдан ўтиши, яъни, футболчини мусобақаларда иштирок этишига рухсат берилиши билан яқунланган бир клубдан бошқасига ўтиши назарда тутилади
Халқаро трансфер сертификати	- Футболчи рўйхатдан ўтган миллий ассоциация томонидан футболчи эндиликда ўйнаш истагини билдирган клубнинг миллий федерациясига

- юбориладиган ҳужжат
- Футболчи ўтишининг шартлари ҳақидаги трансфер шартномаси
- Футболчининг ўтиш тартиби, муддати ва шартлари (шу жумладан, харажатларни қоплаш шартномаси мавжудлигида футболчиларнинг ўқитилиши, тайёрланиши, маҳоратини такомиллаштириши учун сарфланган харажатларни тўлаш)ни белгиловчи, футбол клублари ёки футбол клуби ва спорт мактаби ўртасида тузиладиган икки томонлама келишув
- Футболчининг ижара шартлари асосида ўтиши ҳақидаги трансфер шартномаси
- Икки ҳаваскор бўлмаган футбол клублари ва футболчи ўртасида тузиладиган, ўтишининг тартиби, муддати ва шартлари (шу жумладан, тўловлар)ни белгилайдиган уч томонлама шартнома
- Футболчининг ижараси
- Футболчининг ижараси деганда профессионал футбол клуб билан шартнома тузган профессионал футболчини бошқа профессионал клубга қуйидаги шартлар асосида вақтинчалик ўйнаш учун ўтиши назарда тутилади:
 - ўтиш пайтида футболчи ва у муайян вақтга тарк этмоқчи бўлган профессионал футбол клуби ўртасида кучга кириш муддати кейинроқ бошланадиган шартноманинг мавжудлиги, бу шартнома футболчини бошқа футбол клубида вақтинчалик ўйнаганидан сўнг томонларнинг меҳнат муносабатларини қайта тиклаш ихтиёри борлигидан далолат беради;
 - футболчи ўтишига қадар амалдаги меҳнат шартномасига эга бўлган профессионал футбол клубига футболчининг ўқитилиши, тайёрланиши, маҳоратини такомиллаштириши учун сарфланган харажатлар қопланиши ҳуқуқининг сақлаб қолиниши
- Спорт мавсуми
- календарь йили доирасида расмий мусобақаларга тайёргарлик кўриш ва

бевосита мусобақалар вақтини ўз ичига олган давр. Мусобақалар даври Ўзбекистон профессионал футбол клублари ўртасида ўтказиладиган биринчи расмий учрашув кунидан бошланади ва Ўзбекистон профессионал футбол клублари ўртасида ўтказиладиган охириги расмий учрашув кунни билан якунланади.

Трансферларни рўйхатга олиш даври	- Футболчининг келгуси ёки жорий мусобақаларда иштирок этиши учун у клубдан бу клубга ўтиши мумкин бўлган давр
Легионер	- Ўзбекистон футбол клубига ишлаш учун таклиф этилган чет эл фуқароси
Учинчи шахс	- Футболчининг бир клубдан иккинчисига трансферини амалга ошираётган клублардан бири бўлмаган ёки футболчини муқаддам рўйхатга олмаган ҳар қандай клуб

1-модда

МУСОБАҚАЛАРНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

1.1 Мусобақаларнинг мақсадлари ва вазифалари қуйидагиларни назарда тутлади:

- Ўзбекистон футболини ривожлантириш йўлида миллий чемпионат ўйинларини профессионал даражада ташкил этиш;
- Ўзбекистон футболчиларининг маҳорат даражасини ошириш;
- Ўзбекистонлик ёш футболчиларнинг маҳорат даражасини ошириш ҳамда уларнинг катта футболга кириб келишлари механизмини такомиллаштириш;
- Ўзбекистон терма жамоалари ва профессионал футбол клубларини халқаро мусобақалар: жаҳон чемпионатлари, Осиё Кубоги, Олимпия ўйинлари, Осиё ўйинлари, ОФК Чемпионлар лигасида иштирок этиши учун тайёрлаш ва муваффақиятли иштирок этишига қўмаклашиш;
- футбол мухлисларининг ҳордиқ чиқаришларини ташкил этиш;

- Ўзбекистон футболни тарғиб этиш ва шу йўл орқали ўзбекистонлик футболчиларнинг чет эл клубларига назарига тушиши учун ҳаракат қилиш;
- ЎзПФЛ томонидан ўтказиладиган футбол мусобақаларида голибларни аниқлаш;
- ОФК мусобақаларда иштирок этадиган клубларни аниқлаш.

2-модда

МУСОБАҚАЛАРНИ БОШҚАРИШ

2.1 Суперлига, U–21 чемпионати, “А” ва “В” Про-лигалари, Ўзбекистон кубоги, **Лига кубоги**, Суперкубок, ЎзПФЛ кубоги каби мусобақалар, шунингдек, аёллар футбол мусобақаларини бошқариш, ташкил этиш ва ўтказилишини назорат қилиш ЎзПФЛ томонидан амалга оширилади.

2.2 Иккинчи лига жамоалари ўртасидаги мусобақаларни бошқариш, ташкил этиш ва ўтказишни назорат қилиш тегишли ҳудудий ассоциациялар томонидан амалга оширилади.

2.3 Барча мусобақалар ушбу Регламент, шунингдек, ФИФА, ОФК, ЎФА, ЎзПФЛ томонидан тасдиқланган махсус низомлар ва иловалар асосида ўтказилади.

3-модда

МУСОБАҚАЛАРНИ ЎТКАЗИШ ЖОЙИ

3.1 Суперлига, U–21 чемпионати, “А” ва “В” Про-лигалари, Ўзбекистон кубоги, **Лига кубоги**, Суперкубок, ЎзПФЛ кубоги, шунингдек, аёллар футбол мусобақалари миллий Лицензиялаш бўйича регламент ва “ЎФА стадионлари учун белгиланган талаблар”га жавоб берадиган, ЎзПФЛ томонидан тасдиқланган стадионларда ўтказилади.

4-модда

ФУТБОЛ КЛУБЛАРИ, КЛУБЛАР РАҲБАРЛАРИ, ФУТБОЛЧИЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТИ

4.1 Футбол клублари, клублар раҳбарлари, расмий шахслари, футболчилар ва клубларнинг мусобақаларда иштирок этувчи бошқа ходимлари юқори даражадаги интизом, тартиблилик, уюшқоқлик, ўзаро ва томошабинларга нисбатан ҳурматни намоиш этиб, ушбу Регламентнинг барча талабларига риоя қилишлари шарт.

4.2 Клублар раҳбарлари ўз жамоаси футболчиларининг хулқ-атвори учун шахсан масъулдир. Улар ЎзПФЛ комиссари, инспектор ва ҳакамларнинг ҳаракатларига аралашшига ҳақли эмас.

4.3 Футбол клублари ўзларининг ушбу Регламентда белгиланган мажбуриятларини бажармаслик ёки етарлича бажармаслик учун жавобгардир.

4.4 Футбол клублари учрашув ўтказилиши билан боғлиқ зарур ташкилий масалаларни ҳал этиш учун масъулдир. Улар ички ишлар органлари билан ҳамкорликда учрашувдан олдин, учрашув давомида ва учрашувдан кейин стадионда, унга туташган ҳудудда интизом ҳамда жамоатчилик тартибини сақлаш учун барча зарур чораларни кўришлари шарт.

4.5 Футбол клублари ўзларининг томошабинлари (жамоа мухлислари), шунингдек, клуб номидан бирор-бир учрашувда муайян вазифани бажараётган ҳар қандай шахснинг хулқи учун жавобгардир.

4.6 Ҳудудий ва маҳаллий футбол ассоциациялари вакиллари ЎзПФЛ томонидан ўтказиладиган барча тадбирларда, шунингдек, футбол учрашувларини ўтказиш давомида тартибни сақлашга қаратилган тадбирларда бевосита иштирок этишлари шарт. Шунингдек, футбол академиялари ва мактаблари ўқувчилари ҳам учрашувларда томошабин сифатида қатнашишлари мажбурий.

4.7 Футбол клублари турнир ва ўқув-машғулот йиғинларининг муддати ва жойи ҳақида ЎзПФЛни огоҳлантиришлари шарт. Улар, шунингдек, ўқув-машғулот жараёни сифати учун масъул ҳисобланиб, куйидаги ҳужжатларга эга бўлишлари лозим:

- ЎФА техник бошқармаси томонидан имзоланган йиллик ва босқичли тайёрлаш режалари;
- истиқболли режа;
- тайёрлов, мусобақа ва ўтиш даврлари учун режа;
- алоҳида микроцикллар режаси;
- жисмоний тайёргарлик бўйича тест синовлари натижалари;
- жамоалар ишини қайд этиш журнали;
- ўз клубига нисбатан чиқарилган огоҳлантириш ва четлатишларни қайд этиш журнали.

4.8 Учрашув ўтказиладиган майдон эгаси бўлган клубга куйидаги мажбуриятлар юклатилади:

- “Меҳмон” жамоани тегишли даражадаги меҳмонхонада ўрин-жойлар билан таъминлаш;
- Ҳакамлар бригадасини кийиниш хонасидан майдонга чиқишгача ва майдондан чиқишдан кийиниш хонасигача, шунингдек, ўйиндан олдин, ўйиндан кейин ҳамда танаффус пайтида камида 2 кишидан иборат жамоат тартибини сақлаш органлари ходимларининг кузатуви билан таъминлаш;
- Ҳакамлар хонасида бегона шахсларнинг бўлишига йўқ қўймаслик. Учрашувда ишлайдиган ҳакамлардан ташқари ушбу хонага ЎзПФЛ комиссари, учрашув инспектори ва ЎзПФЛ комиссари томонидан рухсат этилган шахсларгагина кириш учун изн берилади;
- Расмий учрашувлар учун ЎзПФЛ томонидан берилган махсус тўпларни тақдим этиш: Суперлига учрашувлари учун – камида ўнта, “А” Про-лига учун – камида саккизта, “В” Про-лигаси, U-21 ва аёллар футболлари учун – камида олтитадан;
- Тўпларни узатиб туриш учун умумий сони ўнтадан кам бўлмаган, либоси майдондаги жамоалар ва ҳакамларнинг кийимидан фарқланадиган ёш футболчилар гуруҳини тақдим этиш;

4.9 “Мезбон” жамоа “меҳмон” жамоага куйидагиларни бепул тақдим этади:

- Расмий учрашув олдида камида икки кун кундалик машғулотлар ўтказиш учун майса қопламали футбол майдони;
- Расмий учрашувдан бир кун олдин давомийлиги 45 дақиқাগача бўлган машғулот учун календарь учрашуви ўтказиладиган футбол майдонини (агар машғулот майдон қопламасининг сифатига таъсир этмаса);
- спортчиларни учрашув ўтказиладиган шаҳар доирасида вокзал ёки аэропортдан меҳмонхонагача боришлари, қайтишлари, машғулотлар ўтадиган кунларда меҳмонхонадан стадионгача боришлари ва қайтишлари учун камида 42 ўринли замонавий автобус;
- меҳмон жамоа уйига қайтиши учун чипталарни бронь қилишда кўмаклашиш;
- “Меҳмон” жамоа учрашувгача ўн кундан кам бўлмаган муддатда “мезбон” жамоага ўзининг келиш санаси, делегация аъзоларининг сони, машғулотлар вақти ҳақида хабар бериши зарур. Бу талаб ўз вақтида бажарилмаган тақдирда жойлашув борасидаги эътирозлар қабул

килинмайди. Қабулни ташкил этишга оид эътирозлар юзага келган ҳолда “меҳмон” жамоа раҳбари рапорт ёзиб, ЎзПФЛ маъмуриятига йўллайди.

4.10 “Мезбон” жамоа ЎзПФЛнинг расмий шахсларига куйидагиларни бепул тақдим этади:

- “Мезбон” жамоа ЎзПФЛ комиссари, ҳакамлар, учрашув инспекторига шаҳар доирасида вокзал ёки аэропортдан меҳмонхонагача боришлари ва қайтишлари, машғулотлар ўтадиган кунлари меҳмонхонадан стадионгача боришлари ва қайтишлари учун транспорт, стадион (ҳакамлар ва комиссар хонаси);

- Суперлига, “А” Про-лигаси, U-21, Лига кубоги ҳамда Ўзбекистон кубоги учрашувларида ўз иш мажбуриятларини олиб борадиган ЎзПФЛнинг расмий шахсларини шаҳарлараро, яшаш жойи ва овқатланишини таъминлаш тақиқланади.

- Бошқа мусобақаларда, жумладан аёллар ўртасидаги учрашувларда, “Б” Про-лигаси ўйинларида мезбон жамоа ЎзПФЛ расмий шахсларини икки томонга йўлқира, меҳмонхона ҳамда овқатланиш билан таъминлайди. Учрашув комиссарларининг барча харажатларини ЎзПФЛ қоплаб беради.

- ЎФА ёки ЎзПФЛ маъмурияти вакиллари клублар бош директорлари шахсан кутиб олишлари ва уларга сафар давомида ҳамроҳлик қилишлари шарт.

4.11 Майдон эгаси бўлган футбол клуби мусобақаларнинг расмий календарь учрашуви бошлангунга қадар 20 кундан кеч бўлмаган муддатда ЎзПФЛ маъмуриятига учрашувнинг бошланиш вақти борасида таклиф бериши зарур. ЎзПФЛ учрашув вақтини телетрансляция ҳуқуқини қўлга киритган компания билан келишиб белгилайди.

4.12 Клуб учрашув санасини ўзгартирмоқчи бўлса, тегишли сўров батафсил асосланган ёзма шаклдаги мурожаат билан календарь бўйича режалаштирилган муддатдан камида 20 кун олдин ЎзПФЛга юборилиши зарур.

4.13 Футбол жамоалари учрашув бошланишининг расмий вақтидан камида 90 дақиқа олдин стадионга етиб келишлари шарт.

4.14 Регламентга риоя қилмаганлиги учун футбол клубларига нисбатан ЎФАнинг “Интизом ва одоб-ахлоқ (этика) кўмитаси” кодексидан келиб чиқиб, ЎзПФЛ томонидан жарима санкциялари қўлланилиши мумкин.

5-модда

МУСОБАҚА ҲУЖЖАТЛАРИ ВА УЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

5.1 ЎзПФЛ мусобақаларида иштирок этиш истагини билдирган клуб дастлаб шартли равишда миллий лицензиялаш ва мониторинг жараёнидан ўтиши лозим.

5.2 Суперлига, “А” ва “В” Про-лигалари клублари ЎзПФЛнинг онлайн рўйхатга олиш тизими орқали шартли равишда рўйхатдан ўтишлари лозим;

5.3 Ариза ҳужжатларини расмийлаштириш ЎзПФЛ томонидан белгиланган жадвалга мувофиқ амалга оширилади. Ариза ҳужжатларини расмийлаштириш муддатларига амал қилмаслик учун ЎФАнинг “Интизом ва одоб-ахлоқ (этика) кўмитаси” кодексига мувофиқ жарима солинади. Қайта ариза беришга жарима тўланганидан кейингина рухсат берилади.

5.4 Суперлига, “А” ва “В” Про-лигалари, аёллар футбол клублари учун футболчиларнинг шартномасини расмийлаштириш 2019 йилнинг 7 март кунига қадар амалга оширилади.

5.5 Суперлига клублари учун мусобақаларга ариза ҳужжатларини расмийлаштириш 2019 йилнинг 26 февраль кунига қадар амалга оширилади.

5.6 “А” ва “В” Про-лига клублари учун мусобақаларга ариза ҳужжатларини расмийлаштириш 2019 йилнинг 20 март кунига қадар амалга оширилади.

5.7 Аёллар футбол клублари учун мусобақаларга ариза ҳужжатларини расмийлаштириш 2019 йилнинг 10 март кунига қадар амалга оширилади.

5.8 Футболчиларни рўйхатдан ўтказиш учун қўшимча аризаларни қабул қилиш иккинчи трансфер даврида — 9 июль кунидан 5 август кунигача давом этади.

5.9 Суперлига, “А” ва “В” Про-лига, шунингдек аёллар футбол клублари ўзлари билан битта лигада иштирок этаётган бошқа клубга бир мавсумнинг ўзида 2 нафар исталган ёшдаги ва 1 нафар 23 ёшдан кичик бўлган футболчини ижарага беришлари мумкин.

5.10 23 ёшдан кичик бўлган футболчилар ижарага берилган тақдирда, улар ўзларининг асл шартномалари мавжуд бўлган клубга қарши майдонга тушишга ҳақлилар. Ижара шартномаси тузилаётганда мазкур банд инобатга олиниши шарт.

5.11 Бир спорт мавсуми давомида бирор футболчи иккитадан ортиқ клубда қайд этилиши мумкин эмас.

5.12 ФА тарбияланувчиларининг 2000 йил ва ундан кейин туғилган “ёш” футболчиларига ариза бериш футболчиларнинг умумий сони чегарасидан чиқмаган ҳолда 2019 йилнинг 15 сентябрь кунига қадар давом этади.

5.13 Қўшимча ариза берилганда ЎзПФЛга футболчи (мураббий)ларнинг ўтиши ва шартномаларини тасдиқловчи қўшимча ариза варақалари, трансфер шартномалари (ёки ижара шартномалари), компенсация тўловлари ҳақидаги шартномалар (клуб-клуб, клуб-ФА) тақдим этилади.

5.14 Футболчилар, мураббийлар штаби ва раҳбарият таркибини исталган вақтда клуб қайдномасидан ўчиртириш мумкин. Бундай ҳолатда клуб ЎзПФЛни ишдан озод этишнинг сабабларини кўрсатиб ёзма равишда огоҳлантириши ва уч кун муддат ичида озод этилган шахснинг лицензиясини топшириши лозим.

5.15 Ҳужжатлар расмийлаштирилган санадан кейинги 10 кун ичида клублар ЎзПФЛга футболчилар, мураббийлар ва раҳбарият таркибига меҳнат шартномаларининг берилиши қайдномасини уларнинг рўйхат рақамлари кўрсатилган ҳолда тақдим этиши шарт.

5.16 2019 йилги футбол мусобақаларида иштирок этиш ҳуқуқини берувчи лицензия ариза бериш ҳужжатлари расмийлаштирилганидан сўнг клубнинг тегишли вакилига унинг имзоси билан тасдиқланган шахсий масъулияти остида тақдим этилади.

5.17 Мусобақаларда иштирок этиш учун аъзолик бадалини тўламаган, шунингдек, жарима санкциялари ва бошқа қарздорликлар бўйича ЎзПФЛ билан ҳисоб-китоб қилмаган клубларга ариза ҳужжатларини расмийлаштириш учун рухсат берилмайди.

5.18 Футболчининг клубга тегишли эканини қайд этиш мақсадида у билан тузилган шартномани томонлар имзолаган санадан бошлаб 30 кундан кечиктирмай, рўйхатдан ўтказиш талаб этилади. Бу муддатдан кеч қолинган тақдирда ЎзПФЛ шартномани тан олмайди ва қабул қилмайди. ЎзПФЛ футболчининг клубга дахлдор эканини исботловчи барча ҳужжатлар, паспорт нусхаси, зарур малакага эга эканлигини тасдиқловчи ҳужжат, меҳнат шартномасининг учта нусхаси ва рўйхатдан ўтиш аризасини талаб қилади.

5.19 Суперлига, U-21, **Ўзбекисистон кубоги, Лига кубоги** “А” ва “В” Про-лигалари, шунингдек, аёллар футболлида иштирок этиш ҳуқуқи (лицензия) меҳнат шартномалари ЎзПФЛда рўйхатдан ўтказилганидан сўнг тақдим этилади.

5.20 Рўйхатдан ўтказилмаган меҳнат шартномалари кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

5.21 Агар шартнома тузилишига воситачи жалб этилган бўлса, бу ҳақда шартномада унинг исми ва фамилияси кўрсатилган ҳолда қайд этилиши, воситачининг паспорт нусхаси, воситачилик ҳақидаги Декларация ва футболчи ва/ёки клубнинг бошқа вакиллари билан тузилган вакиллик ҳақидаги контракт илова қилиниши лозим.

5.22 Ижара шартномасининг муддатидан олдин бекор қилиниши фақат уч томон (иккала клуб ва футболчи)нинг розилиги асосида рўйхатга олиш даврида амалга оширилади. Футболчини ижара шартлари асосида қабул қилган клуб, уни учинчи клубга ўтказишга ҳақли эмас.

5.23 Мусобақалар ҳужжатларини ЎзПФЛ маъмуриятида расмийлаштириш ҳуқуқи жамоанинг бош директори ва/ёки спорт директорига берилади.

5.24 Расмийлаштириш давомида қуйидаги ҳужжатлар босма шаклда тақдим этилади:

- Футбол клубининг юридик манзили ва банк реквизитлари (телефон, факс рақамлари, футбол клуби, стадион, спорт базасининг электрон манзили кўрсатилиши шарт);

- Футбол клубининг раҳбар органлари таркиби: президент, вице-президент, бош директор ва ҳк. (Ф.И.Ш. тўлиқ кўрсатилади);

- Футбол клубининг имзо қўйиш ҳуқуқига эга раҳбарлари рўйхати (бош директори ёки бош директорнинг буйруғи билан бош директор вазифасини бажарувчиси);

- Молиявий ва директив ҳужжатларни имзолаш намуналари тақдим этилиши керак;

- Мусобақаларда иштирок этиш учун клуб таъсисчиларининг молиявий кафолатлари (таъсисчи томонидан тасдиқланган смета);

- ЎзПФЛ ҳисоб-китоб бўлимининг ташкилот ҳисоб рақамига мусобақадаги иштирок учун бадал пулларининг тушганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

- футбол клубининг маҳаллий бошқарув ва жамоат тартибини сақлаш органлари билан мусобақа иштирокчилари ва расмий шахслар хавфсизлигини таъминлаш бўйича тузган шартномаси;

- ариза varaқаси тўрт нусхада (А3 форматида, унда футболчини футболкасидаги шахсий рақами кўрсатилган бўлиши шарт. Бир мавсум давомида футболчининг футболкасидаги рақам фақат бир маротаба қўлланиши мумкин);

- йиллик режа, жисмоний тайёргарлик бўйича назорат нормативлари топширилгани ҳақида ЎФА техник бошқармаси илмий-услубий гуруҳи (комиссияси) баённомасининг нусхаси;

- клуб логотипининг рангли эмблемаси, вимпели ва значоги, шунингдек, ҳар бир футболчи, шу жумладан, дарвозабоннинг либоси комплектидан намуна;

- 1990 йилда туғилган ва ундан ёш футболчиларнинг паспорт нусхалари;

- Футболчи, жамоа раҳбарлари ҳамда бошқа персоналларнинг шартномасида аниқ муддат кўрсатилган бўлиши, клуб юристи ва иккала томон ҳужжатнинг ҳар бир саҳифасини имзолаши, икки томонлама меҳнат шартномалари уч нусхада (ЎзПФЛда рўйхатдан ўтганидан сўнг бир нусхаси ЎзПФЛда, иккинчиси клубда, учинчиси – ижрочида) сақланади.

- Паспорт

- ариза варақасига киритилган барча футболчилар, мураббийлар ва клуб ходимларига ЎзПФЛ томонидан тасдиқланган компаниянинг суғурта полиси нусхалари;

- футболчиларнинг ўтишини исботловчи трансфер контрактлари (ёки ижара шартномалари), компенсация тўловлар ҳақидаги шартномалар (клуб–клуб, клуб–ФА);

- Клуб ходимларининг Лицензиялаш регламентига кўра талаб қилинган профессионал малакасини исботловчи ҳужжатлар;

- Барча мураббийлар Давлат аттестациясидан ўтишлари зарур (“легионер” мураббийлардан ташқари);

- 18 ёшгача бўлган футболчиларнинг меҳнат шартномаларида ота-онасининг (ота-онаси бўлмаган тақдирда шу футболчини ўз қарамоғига олган шахснинг) имзоси бўлиши ва паспортидан нусха илова қилиниши лозим.

- 18 ёшга тўлмаган футболчи билан меҳнат шартномаси 3 (уч) йилдан кўп бўлмаган муддатга тузилади;

- Ўзбекистон фуқаролари бўлмаган футболчи, мураббий ва клубнинг бошқа ходимлари Ўзбекистон Республикаси ташқи меҳнат миграцияси агентлигида рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги ҳужжат нусхасини тақдим этиши, мазкур ташкилотда меҳнат фаолияти яқунланганидан сўнг агентликда рўйхатдан чиқиши лозим.

5.25 Жамоаларнинг ариза варақаси қуйидагилар киритилади:

СУПЕРЛИГА ВА U-21:

- кўпи билан 20 кишидан иборат бўлган ҳамда Лицензиялаш регламентида санаб ўтилган раҳбарият таркиби ва уларга қуйидагилар қиради: бош директор, хавфсизлик бўйича офицер, матбуот котиби, бош мураббий, бош мураббий ёрдамчиси, таҳлилчи, мураббий, жисмоний тайёргарлик бўйича мураббий, 2 нафар дарвозабонлар мураббийи, 2 нафар маъмур, 2 нафар врач, 2 нафар массажчи, физиотерапевт, катта мураббий, ёрдамчи мураббий;

- камида 30, максимум 45 нафар (улардан камида 22 нафарининг ёши U-21 чекловларига мос келадиган, яъни, 1997 ва ундан кейин туғилган) футболчилар;

- Суперлига клублари ўйин қайдномасига Ўзбекистон фуқароси ҳисобланган, 1997 йил ва ундан кейин туғилган камида икки нафар ўйинчини киритиши ва улардан бирини минимум 45 дақиқа ўйнатиши шарт. **Мазкур футболчи жароҳат олса унинг ўрнига исталган бошқа футболчи тушиши мумкин. Агар бу футболчи четлатилса, 45 дақиқа чегараси амалда бўлмайди;**

- Ўзбекистон олимпия терма жамоасига Суперлига клубларидан уч ва ундан кўпроқ футболчи жалб этилса, у ҳолда клублар учун 1997 йил ва ундан кейин туғилган футболчиларни қайдномага киритиш мажбурий эмас;

- клуб U-21 чемпионати учрашув протоколига икки нафар “катта” футболчини киритиш ва майдонга чиқариш ҳуқуқига эга;

- U-21 ёш категориясидан (1997) юқори бўлган, клубнинг ёшлар жамоасида кетма-кет икки ва ундан кўпроқ мавсум давомида иштирок этган футболчилар 2019 йилги мавсум U-21 жамоаси сафидаги фақатгина 11 учрашув қайдномасида кўрсатилиши мумкин. Бундан ортиқ ҳолатда клубга молиявий жарима белгиланади, иккинчи марта такрорланса, техник мағлубият ёзилади;

- футболчининг ёшлар ёки асосий таркибга мансублиги ўтган мавсумларда у ёки бу таркиб учун ўтказган ўйинларининг фоизда ҳисобланган улушига кўра белгиланади;

- алмаштиришлар протоколга киритилган ва умумий сони **20 нафардан** кўп бўлмаган футболчилар ҳисобидан амалга оширилади;

- Суперлига клублари 10 нафардан ортиқ бўлмаган футболчиларни трансфер даврида қўшимча ариза билан қайта рўйхатдан ўтказиши мумкин.

“А” ПРО-ЛИГА:

- камида 14, кўпи билан 16 кишидан иборат бўлган ҳамда Лицензиялаш регламентида санаб ўтилган раҳбарият таркиби: бош директор, хавфсизлик бўйича офицер, матбуот котиби, бош мураббий, бош мураббий ёрдамчиси, таҳлилчи, мураббий, жисмоний тайёргарлик бўйича мураббий, дарвозабонлар мураббийи, маъмур, врач, массажчи, физиотерапевт;

- камида 18 нафар футболчи ва максимум 25 нафар футболчи;
- клуб ариза варақасига камида 4 нафар 1997 ва ундан кейин туғилган ўзбекистонлик футболчиларни киритиши шарт. Учрашув қайдномасида камида икки нафар ёш ўйинчи бўлиши ва улардан бири минимум 45 дақиқа ўйнаши шарт. **Мазкур футболчи жароҳат олса унинг ўрнига исталган бошқа футболчи тушиши мумкин. Агар бу футболчи четлатилса, 45 дақиқа чегараси амалда бўлмайди;**
- Ўзбекистон олимпия терма жамоасига “А” Про-лига клубларидан икки ва ундан кўпроқ футболчи жалб этилса, клуб қайдномага исталган футболчини киритишга ҳақли;
- “А” Про-лига клублари 10 нафардан ортиқ бўлмаган футболчиларни трансфер даврида қўшимча ариза билан қайта рўйхатдан ўтказиши мумкин;
- 2019 йилда “А” Про-лига учрашувларига ҳаваскор футболчиларни жалб этишга рухсат берилмайди;

“В” ПРО-ЛИГА:

- камида 7, кўпи билан 10 нафар кишидан иборат бўлган ҳамда Лицензиялаш регламентида санаб ўтилган раҳбарият таркиби;
- камида 18 нафар, кўпи билан 25 нафар футболчи;
- клуб ариза варақасига 2001 ва ундан кейин туғилган камида 4 нафар футболчини киритиши шарт. “В” Про-лигасида камида икки нафар 2001 йилда ёки ундан кейин туғилган “ёш” футболчилар майдонга чиқарилиши ҳамда минимум 45 дақиқа тўп суриши лозим. Ёш футболчи жароҳат олган тақдирда ва ўша футболчи 45 дақиқалик лимитни тўлдирмаган бўлса, унинг ўрнига майдонга ёш футболчи туширилиши лозим. Барча ёш футболчилар алмаштирилган бўлса, ёш футболчини ёши катта футболчи билан алмаштиришга рухсат берилади.
- Бирор клубнинг икки ва ундан кўп “ёш” футболчилар мамлакат терма жамоаларига чақиртирилса, у ҳолда клуб ўйин протоколига “ёш” футболчини киритмасликка ҳақли;

- “В” Про-лигаси клубларига трансфер даврида умумий лимит доирасида 10 нафардан кўп бўлмаган футболчиларни қўшимча ва қайта рўйхатга киритиш учун рухсат берилади.

5.26 Суперлига, U-21, “А” ва “В” Про-лигалари, Ўзбекистон Кубоги, Лига кубоги учрашувларида 16 ёшдан кичик футболчиларнинг ўйнашига рухсат берилмайди.

АЁЛЛАР ЧЕМПИОНАТИ:

- камида 6, кўпи билан 10 нафар кишидан иборат бўлган ҳамда Лицензиялаш регламентида санаб ўтилган раҳбарият таркиби (мураббийлардан бири ҳамда физиотерапевт аёл киши бўлиши шарт);

- камида 18 нафар, кўпи билан 25 нафар футболчи;

- 2000 йил ва ундан кейинги йилларда туғилган 2 нафар футболчи асосий таркибда майдонга тушиши шарт. Уларни фақат шу ёшдаги футболчи билан алмаштириш мумкин

- клубларга трансфер даврида умумий лимит доирасида 8 нафардан кўп бўлмаган футболчиларни қўшимча ва қайта рўйхатга киритишга рухсат берилади.

- 2004 йилгача туғилган футболчиларга ўйнашга рухсат берилади.

АЁЛЛАР БИРИНЧИЛИГИ

- камида 3, кўпи билан 6 нафар кишидан иборат бўлган ҳамда Лицензиялаш регламентида санаб ўтилган раҳбарият таркиби (мураббийлардан бири ҳамда физиотерапевт аёл киши бўлиши шарт);

- камида 18 нафар, кўпи билан 20 нафар футболчи (улардан камида 50%и 01.01.2000 йилдан 31.12.2006 гача ораликда туғилган футболчилар бўлиши талаб этилади);

- Ўзбекистон биринчилигида камида 5 нафар 2000 йил ва ундан кейин туғилган футболчиларни қайдномага киритиш шарт. Уларни фақат шундай ёшдаги футболчиларга алмаштириш мумкин.

- клубларга трансфер даврида умумий лимит доирасида 8 нафардан кўп бўлмаган футболчиларни қўшимча ва қайта рўйхатга киритишга рухсат берилади.

- Биринчилик ва Кубок баҳсларига 2006 ва ундан кейин туғилган футболчилар майдонга тушишига рухсат берилмайди

5.27 Чет эллик футболчилар — “легионер”ларни Суперлига ариза варақасига киритишда 5 нафардан кўп бўлмаган, Ўзбекистон фуқароси ҳисобланмаган легионер-футболчилар, улардан бир нафари албатта ОФКга аъзо-давлатдан бўлиши таъминланиши лозим (4+1). ОФКга аъзо-давлатдан легионерлар мавжуд бўлмаган тақдирда клуб ариза варақасига 4 нафардан ортиқ чет элликларни кирита олмайди.

5.28 Ёлланган чет эллик футболчи (легионер) қуйидаги талаблардан бирига мос келиши зарур:

- Европа футбол ассоциациялари иттифоқи (UEFA), Жанубий Америка футбол конфедерацияси (CONMEBOL), Шимолий, Марказий Америка ва Кариб ҳавзаси мамлакатлари футбол конфедерацияси (CONCACAF), Осиё футбол конфедерацияси (AFC), Океания футбол конфедерацияси (OFC), Африка футбол конфедерацияси (CAF) Олий дивизионларида аввалги спорт мавсумидаги учрашувларнинг камида 60 фоизи (30 ёшдан ўтган футболчилар учун камида 70 фоизи)да ўз клуби учун иштирок этган бўлиши;

- 2018 йил Ўзбекистон Чемпионатидаги учрашувларнинг камида 75 фоизида иштирок этган бўлиши;

- охири саралаш циклида ўз мамлакатининг Миллий терма жамоаси таркибида камида 5 учрашувда иштирок этган бўлиши;

- охири саралаш цикл давомида ўз давлатининг Олимпия ёки ёш терма жамоаси таркибида учрашувларнинг камида 70 фоизида иштирок этган бўлиши;

5.29 Ўзбекистон фуқароси бўлмаган легионер-футболчилар “А” Про-лигаси учун 5 нафар (4+1) дан, “В” Про-лигаси учун 3 нафар (2+1) дан кўп бўлмаслиги лозим.

5.30 Суперлига, “А” ва “В” Про-лигалари, аёллар футболининг барча жамоалари футболчилари ЎФА тегишли бўлинмасининг кўрсатмасига биноан жисмоний тайёргарлик бўйича шартли пресс-тестдан ўтишлари лозим.

5.31 Суперлига жамоаларининг тиббий кўриги Ўзбекистон МОҚ ҳузуридаги республика спорт тиббиёти марказида ўтказилади (эҳтимолий ҳолатларда аёллар ва Про-лига “А” ва “В” клублари ЎзПФЛ тавсия қилган марказга мурожаат қилади).

6-модда

ИШТИРОКЧИЛАР ВА МУСОБАҚАЛАРНИ ЎТКАЗИШ ШАРТЛАРИ

6.1 Суперлига, “А” ва “В” Про-лигалари, аёллар футбол мусобақаларида иштирок этувчи жамоалар таркиби, шунингдек, жамоаларни мусобақа иштирокчилари рўйхатидан чиқариб юбориш ва уларни ўрнига бошқа жамоаларни киритиш ҳақидаги қарорлар биринчи ўринда лицензиялаш таҳлиллари асосида, ундан кейин ўтган мавсум мусобақалари натижасига кўра ЎФА Лицензиялаш қўмитаси томонидан тасдиқланади. Мазкур қўмита аъзоларини эса ЎФА ва ЎзПФЛ Ижроқўмлари тасдиқлайди.

6.2 2019 йил Ўзбекистон чемпионатида иштирок этадиганлар:

- Суперлигада — 14 жамоа — миллий лицензиялаш натижаларига кўра;
- “А” Про-лигада — 8 жамоа;
- “В” Про-лигада — миллий лицензиялаш натижаларига кўра;
- аёллар чемпионатида — 16 жамоа (миллий лицензиялаш натижаларига кўра);

6.3 Мавсум натижаларига кўра юқорироқ лигада иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган клуб (жамоа) ушбу ҳуқуқдан воз кечса, унинг ўрни мавсум якунига кўра кейинги ўринни эгаллаган бошқа (лицензиялаш регламентига мувофиқ лицензия олган) клуб билан тўлдирилиши мумкин. Бу ҳақдаги ЎзПФЛ маъмуриятининг тақдимномаси ЎФАнинг лицензиялаш комиссияси билан келишилади ва ЎФА Ижроия қўмитаси томонидан тасдиқланади.

6.4 Суперлига, “А” ва “В” Про-лигалари, аёллар футбол мусобақаларида иштирок этувчилар таркиби мазкур Регламентнинг 6.1, 6.2 ва 6.3 бандларига мувофиқ белгиланади.

6.5 Суперлига клублари жорий йилнинг 15 февралига қадар, “А” ва “В” Про-лигалари, шунингдек, аёллар чемпионати клублари жорий йилнинг 28 февралига қадар лицензиялаш регламенти талабларига мувофиқ мусобақаларда иштирок этишга тайёр эканликларини исботлаб улгуришлари шарт.

6.6 Суперлига, “А” ва “В” Про-лигалари, аёллар футбол клублари миллий лицензиялаш регламенти талабларига жавоб бермаган тақдирда, уларнинг кейинги тақдири бўйича қўшимча қарор ЎФАнинг лицензиялаш комиссияси билан келишилади ва ЎФА Ижроия қўмитаси томонидан тасдиқланади.

6.7 Суперлига, U-21, “А” ва “В” Про-лигалари, аёллар футболи мусобақаларида ЎзПФЛ томонидан харид қилинадиган ва ҳар йили футбол клубларга тақдим этиладиган профессионал футбол тўпларидан фойдаланилади.

6.8 Чемпионлар лигасидаги иштироки сабаб ОФК томонидан тақдим этилган тўпларга эга клублар ЎзПФЛ мусобақаларида шу тўплардан фойдаланиши мумкин. Бу ҳолда рақиб жамоага ўйнолди машғулот ва ўйнолди чигил ёзиш машқлари учун камида 10 дона шундай тўп берилиши шарт.

6.9 Учрашув давомида алмаштириладиган футболчиларнинг рухсат этилган сони:

- Суперлигада — 3 та;
- Ўзбекистон кубогида — 3 та (+1 экстра таймда);
- **Лига кубогида — 3 та (+1 экстра таймда);**
- U-21да — 7 та;
- “А” Про-лигада — 3 та (+1, агар 1997 ва ундан кичик ёшдаги футболчи ўйинга чиқарилса);
- “В” Про-лигада — 5 та;
- U-18’да — 7 та;
- Аёллар чемпионатида — 7 та.

6.10 Суперлига, U-21, “А” ва “В” Про-лигалари, Ўзбекистон кубоги, Лига кубоги, шунингдек, аёллар футболи мусобақаларидаги учрашувларни ўтказишда учрашув протоколга **11 нафар асосий ва 9** нафар захирадаги футболчилар киритилиши мумкин.

6.11 Футболчиларни алмаштиришда захирадаги ҳакамга алмаштириш карточкаси билан бирга майдонга тушириладиган футболчининг лицензияси тақдим этилади.

6.12 Учрашувлар куйидаги вақтларда старт олиши мумкин:

- Суперлигада – соат 18.00 дан эрта бўлмаган вақт (шанба, якшанба ва байрам кунлари бундан мустасно);
- U-21да – соат 12.00дан эрта бўлмаган вақт (ёз ойларида учрашувни соат 17.00 дан эртароқ бошлаш тақиқланади);
- ЎзПФЛ мусобақаларининг барча қолган учрашувлари вақти ЎзПФЛ томонидан белгиланган ва телерадиокомпания билан келишилган вақтда бошланади;
- Барча учрашувлар соат 21.00дан кечикмасдан бошланиши лозим.

6.13 Суперлига, U-21, кубоклар, “А” ва “В” Про-лигалари жамоалари учрашув бошланишидан 70 дақиқа олдин мусобақанинг электрон протоколига футболчиларнинг исми-фамилияси ҳамда рақамларини ўсиш тартибида, расмий шахсларнинг исми-фамилияси ва лавозими кўрсатилган ҳолда киритишлари, учрашув комиссарига футболчи ва расмий шахсларнинг лицензияларини тақдим этишлари лозим.

6.14 Лицензия учрашувда иштирок этиш ва техник зонага кириш ҳуқуқини берувчи ягона ҳужжат ҳисобланади. Майдон эгалари протоколни биринчи бўлиб тўлдиради. Жамоа номидан протоколни имзолашга фақат учрашув протоколига киритилган жамоанинг бош мураббийи, катта мураббий ёки спорт директори ҳақлидир. Ёшлар таркиблари ўртасидаги учрашувлар протоколини ушбу протоколга киритилган, ёшлар таркиби билан ишлаш учун масъул бўлган жамоа мураббийи имзолаши мумкин.

6.15 Жамоанинг расмий шахслари захирадаги футболчилар билан бирга “техник зона”да махсус ажратилган жойда бўлиши лозим, “меҳмон” жамоа – захира ҳакамининг ўнг томонида, “меzbон” – чап томонида майдонга қараб жойлашади. Расмий шахсларнинг учрашув протоколига киритилган умумий сони 7 нафардан ошмаслиги, уларнинг кўксига “техник зона”га киришга рухсат берадиган лицензияси бўлиши лозим.

6.16 “Техник зона”да жойлашган ўриндиқларда захирадаги футболчилар билан бирга жами 14 нафардан кўп шахс бўлмаслиги лозим. Ўриндиқларда учрашув протоколига киритилмаган, кийими пала-партиш бўлган шахсларнинг бўлиши тақиқланади. Бош мураббийлар ЎФА талаби бўйича кийиниши шарт (костюм-шим, галстук).

6.17 Захира ўриндиқларида ўтирган шахслар томонидан тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларни истеъмол қилиш тақиқланади. Шунингдек, “техник зона”да ҳар қандай коммуникация воситаларидан фойдаланиш тақиқланади.

6.18 Зарур ҳолларда учрашув протоколига киритилмаган таржимоннинг “техник зона”га кириш лицензияси бўлгани ҳолда унга киришига рухсат берилади.

6.19 Учрашув протоколига киритилган захирадаги футболчиларга фақат ўз жамоасининг захира ўриндиқларига яқин дарвоза ортида, бурчак байроғи зонасида чигил ёзди машқларини бажаришга рухсат берилади. Бунда жисмоний тайёргарлик бўйича мураббий иштирок этишига рухсат берилади. Айрим ҳолларда, стадион конструкциясига боғлиқ равишда, учрашув давомида чигил ёзди машқларини бажараётган захирадаги футболчилар сони ва машқлар бажариладиган жой ЎзПФЛ

комиссари томонидан белгиланади. Захирадаги футболчиларнинг либоси майдондаги футболчилар ва хакамларнинг либосидан фарқланиши лозим.

6.20 Жамоаларнинг дарвозалари ортида учрашув давомида теле ва фотомухбирлар чизиғи ортида фақат аккредитациядан ўтган, махсус нимча кийган теле ва фотомухбирларнинг туришига рухсат берилади, уларнинг учрашув давомида ҳаракатланиши тақиқланади.

6.21 Суперлига ва “А” Про-лига клубларининг бош мураббийлари учрашувдан кейинги матбуот анжуманларида иштирок этишлари шарт. Учрашув тугаганидан кейин 15 дақиқа оралиғида мағлуб бўлган ёки меҳмон жамоа биринчи бўлиб матбуот анжуманига таклиф этилади.

6.22 Футболчилар ва мураббийлар учрашувдан олдин ва кейин бўладиган флеш-интервьюда иштирок этишлари шарт. Трансляция ҳуқуқини қўлга киритган компания учун флеш-интервью беришдан бош тортган футболчига нисбатан жиддий санкциялар ва жарималар қўлланилади.

6.23 Ўзбекистон “А” миллий терма жамоасига уч ва ундан кўп, шунингдек, Ўзбекистон Олимпия терма жамоасига тўрт ва ундан кўпроқ футболчиларини йўллаган клублар чемпионат ва Ўзбекистон кубоги учрашувлари санасини бошқа кунга кўчиришни сўраб мурожаат қилишга ҳақлидир. Шунингдек, ОФК учрашувларининг санаси кўчирилган тақдирда ОФК мусобақаларида иштирок этаётган клублар ҳам Ўзбекистон чемпионати ва кубоги учрашувлар санасини кўчиришни сўрашга ҳақлидир.

6.24 Учрашувга узрсиз сабабларга кўра келмаган жамоага техник мағлубият (-: +), рақиб жамоага эса – техник ғалаба (+ : -) ёзилади. Иккинчи маротаба учрашувга узрсиз сабабларга кўра етиб келмаган жамоа ЎФАнинг Ижроия қўмитаси билан келишилган ҳолда ЎзПФЛ қарори билан мусобақалардан четлаштирилади.

6.25 U-21 жамоаси икки маротаба учрашувга узрсиз сабабларга кўра етиб келмаса, ЎзПФЛ ЎФА Ижроия қўмитаси билан келишган ҳолда, клубнинг асосий таркибини ҳам мусобақалардан четлаштиришга ҳақли.

6.26 Мусобақалардан четлаштирилган жамоа агар учрашувларнинг ярмидан камини ўтказган бўлса, унинг натижалари бекор қилинади. Огоҳлантириш ва четлаштиришлар ўз кучини сақлаб қолади. Агар жамоа учрашувларнинг ярмидан кўпини ўтказган бўлса, бундай жамоага қолган учрашувлар учун техник мағлубият (- : +), рақиб жамоаларга эса техник ғалаба (+;-) ёзилади. Огоҳлантириш ва четлаштиришлар ўз кучини сақлаб қолади.

6.27 Агар клуб ЎзПФЛ томонидан ўтказиладиган чемпионатларда иштирок этишдан бош тортса, мазкур ҳолат ЎзПФЛ Ижроия қўмитаси томонидан кўриб чиқилади.

6.28 Агар клуб банкрот деб эълон қилинса, у келгусида **Суперлига ва “А” Про-лигаси мусобақаларида** 3 мавсум давомида иштирок этишдан четлаштирилади. Кейинчалик, ҳар қандай бошқа клуб ЎзПФЛ мусобақаларида иштирок этганида банкрот клубнинг номи, ҳар қандай атрибутлари, белгилари, рамзлари ва тарихидан фойдалана олмайди.

6.29 Профессионал футбол клуби ўз номи ёки юридик мақомини ўзгартирган тақдирда, янги клуб аввалги клубнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади ва футболчилар, мураббийлар ва клубнинг бошқа ходимлари олдида ойлик иш ҳақи ва бошқа тўловлар бўйича ҳисоб-китоблардаги бузилишлар учун тўлиқ жавобгар бўлади, шунингдек, у ЎФА, ЎзПФЛ ва Ўзбекистон Республикаси солиқ органлари олдидаги қарздорликни тўлаш учун жавобгар ҳисобланади. Кейинчалик ушбу клубнинг ЎзПФЛ ўтказадиган мусобақаларда иштирок этишига рухсат ЎФА Ижроия қўмитасининг қарори билан берилади.

6.30 ЎФА техник бошқармасининг илмий-услубий гуруҳи томонидан ўтказиладиган жисмоний тайёргарлик бўйича тестлардан ўтмаган футболчини учрашув протоколига киритиш тақиқланади.

6.31 Учрашув протоколига дисквалификация қилинган ёки жисмоний тайёргарлик бўйича тестлардан ўтмаган футболчи киритилган, шунингдек, 1997 ва ундан кичик ёшдаги футболчилар масаласидаги ЎФА талабини турли йўллар билан йўқ қилишга бўлган уринишлар ҳолатида:

- жамоа ғалаба қозонса, унга техник мағлубият ҳисобланади ва клубга ЎФАнинг Интизом ва одоб-ахлоқ кодексига мувофиқ жарима солинади, рақиб жамоага эса техник ғалаба ёзилади. Шу билан бирга, ушбу учрашувда урилган голлар бекор қилинади, олинган огоҳлантиришлар ва четлаштиришлар ўз кучида қолади;

- жамоа мағлуб бўлган тақдирда учрашув натижалари (голлар, огоҳлантириш ва четлаштириш) ўз кучида қолади, жамоага ЎФАнинг Интизом ва одоб-ахлоқ кодексига мувофиқ жарима солинади.

- Бундай ҳолат тақрорланса, ЎФА билан келишилгандан кейин, ЎзПФЛ қарори билан жамоа мусобақалардан четлаштирилади.

6.32 Футболчи саришта кўринишга эга бўлиши лозим. Футболка шортига қистирилган бўлиши зарур. Агар футболканинг бичими кистирмасдан кийишга мўлжалланган бўлса, бу ҳолда футболчи майдонга шорти устига тушириб кийилган футболкада чиқиши мумкин.

Агар учрашув давомида футболка яроқсиз ҳолга келса, футболчи уни худди шу ранг ва рақам кўрсатилган бошқасига алмаштириши лозим. Футболкада акс эттирилган рақамнинг баландлиги: орқа қисмида – 25-30 см, олд қисмида – 10-15 см.

6.33 Дарвозабоннинг либоси иккала жамоа футболчилари ва ҳакамлар либосларидан фарқланиши лозим. Шортининг ўнг томонида футболчининг футболкасидаги рақам акс эттирилади (рақамнинг баландлиги 10-15 см).

6.34 Футболкада футбол клубининг рамзи туширилади. Рамзнинг ўлчамлари 15x15 см бўлиб, у футболканинг тепа қисмида ўнг ёки чап тарфда жойлашади. Клуб ҳар беш маротаба чемпионлик мақомига эга бўлганида футболкада клуб рамзининг тепа қисмида олтин юлдуз шаклидаги, баландлиги 2 смдан юқори бўлмаган алоҳида белгини акс эттириш ҳуқуқига эга. Футболканинг ўнг енида мусобақа логотипи, чап енида эса, ЎзПФЛнинг расмий ҳомийси рамзий логотипи бўлиши лозим.

6.35 Футболчининг либосида, футболканинг ўнг енидан бошқа қисмларида клубнинг расмий ҳомийлари рамзларини жойлаштириш мумкин.

6.36 Суперлига, “А” Про-лиганинг жамоаси футболчисининг футболкаси орқа томонининг тепа қисмида ЎзПФЛ лицензияси ва ариза варақасида кўрсатилган шрифт форматида футболчининг фамилияси кўрсатилган, ҳарфлар баландлиги 7,5 см бўлган ёзув ва футболчининг шахсий рақами акс эттирилади. Йўл-йўл ёки бир нечта рангли футболкада фамилия футболканинг рангидан бошқа рангдаги тўғри тўртбурчак ичида кўрсатилади. Футболчининг рақами ва фамилиясининг ёзуви бир хил рангда бўлиб, стадиондаги мухлислар ва телетомошабинлар ўқиши учун осон бўлиши зарур.

Футболчининг футболкасидаги фамилияси ўзбек тилида лотин ёзувида кўрсатилиши лозим. Осиё Чемпионлар Лигасида ўйнайдиган клубларга фамилияни инглиз тилида ёзишга рухсат берилади.

6.37 Суперлига, “А” ва “В” Про-лигалари клублари 26 февралгача ЎзПФЛга либоснинг асосий ва резерв ранглари, шу жумладан, дарвозабон либосининг учта ранги ҳақидаги ахборотни тақдим этишлари лозим. ЎзПФЛга либосларнинг асл намуналар тақдим этилиши зарур. ЎзПФЛ ўзининг барча мусобақаларига жамоалар либосларининг рангини белгилашга ҳақлидир.

6.38 Чемпионат, Ўзбекистон кубоги учрашувларининг давомийлиги –45 дақиқадан 2 тайм. Таймлар орасидаги танаффус – 15 дақиқадан ортиқ бўлмаган вақт. Футбол мактабларининг юқори ва ўрта

ёшдаги жамоалари учрашувлари давомийлиги – 45 дақиқадан 2 тайм. Футбол мактабларининг кичик ёшдаги жамоалари учрашувлари давомийлиги – 40 дақиқадан 2 тайм. Таймлар орасидаги танаффус – 15 дақиқадан ортиқ бўлмаган вақт.

6.39 Суперлига, “А” ва “В” Про-лигалари футбол клублари – майдон “эгалари” (ЎзПФЛнинг талабига кўра “меҳмонлар”) 2 соат давомида ЎФА инспектори ва ЎзПФЛ комиссарига учрашувнинг рақамли шаклидаги (DVD) видеоёзувини тақдим этиши шарт. Видеоёзув рақамли видеокамерага жамоаларнинг майдонга чиқиш пайтидан то кийиниш хонасига қайтишларича шартли равишда таймер ёқилган ҳолда бутун учрашув давомида узлуксиз суратга туширилиши зарур. талабларга жавоб бермайдиган видеодиск (DVD) тақдим этган клубларга ЎФАнинг Интизом ва одоб-ахлоқ Кодексига мувофиқ жарима солинади.

6.40 Учрашувлар мусобақа жадвалида белгиланган муддатларда ёки ЎзПФЛ томонидан белгиланган муддатларда ўтказилади. Уларнинг вақти (кун ва соат) қуйидаги ҳолларда ўзгартирилиши мумкин:

- Олдиндан тахмин қилишнинг имкони бўлмаган форс-мажор вазият ва ҳодисаларнинг юзага келиши натижасида учрашувни бошлаш, давом эттириш, қайта бошлаш ва тугатиш имкони бўлмаганида. Бундай ҳодисалар қаторига авария, ёнғин, сув тошқин, zilзила ва бошқа табиий офатлар, шунингдек, мусобақа (учрашув) ташкилотчилари ва футболчиларга боғлиқ бўлмаган ҳар қандай бошқа тафсилотлар киради.

- Учрашув тўхтатилган дақиқадан бошланади, урилган голлар, олинган огоҳлантиришлар ва четлаштирилар ўз кучида қолади;

- мусобақа жадвалига ўзгартишлар киритилганида;

- электр ёритиш тизими ишдан чиқиши ёки электр ёритиш тизимидаги бир соатда бартараф этиш имкони бўлмаган носозлиги туфайли учрашувни бошлаш, давом эттириш, қайта бошлаш ва тугатиш имкони бўлмаганида, стадионнинг техник ҳолати, шу жумладан, электр ёритиш тизимини ишдан чиқиши натижасида учрашувни жадвалда белгиланган муддатда ўтказиб бўлмаган ҳолатларда майдон “эгаси” бўлган клубга техник мағлубият ёзилади.

- ЎзПФЛ Комиссари учрашув ўтиши учун имкони борича барча зарур чораларни кўриши лозим. Ушбу шахс томонидан қабул қилинадиган қарорлар ЎзПФЛ Маъмурияти билан келишилган бўлиши лозим.

6.41 Жамоа учрашув ўтказиладиган жойга учрашувни бошлаш учун белгиланган вақтда етиб келмаган тақдирда, ЎзПФЛ комиссари юзага келган вазият ҳақида ЎзПФЛни огоҳлантириши лозим. “Меҳмон” жамоа кечикиб келганида ЎзПФЛ комиссари майдон “эгаси” бўлган клуб раҳбарияти билан келишган ҳолда учрашувни ўтказиш учун барча чораларни кўриши зарур. Агар учрашувни шу куннинг ўзида ўтказишнинг имкони бўлмаса, ЎзПФЛ барча тафсилотларни ўрганиб чиққанидан сўнг ушбу учрашув бўйича қарор қабул қилади. Жадвалда белгиланган учрашув кечиктирилишида айбдор клуб ЎФАнинг Интизом ва одоб-ахлоқ кодексига мувофиқ жаримага тортилади.

6.42 U-21 жамоалари учрашувларини клубнинг асосий стадиони майдонида ўтказиш тавсия этилади. Агар учрашув бошқа майдонда ўтказиладиган бўлса, у ЎзПФЛ томонидан белгиланган шартларга мос келадиган майдон сифатига эга бўлиши шарт.

6.43 U-21 футболчилари Ўзбекистон терма жамоаларига чақиртирилган тақдирда, клуб тўла таркибни шакллантириш учун учрашув протоколига ФАнинг 16 ёшдан кичик бўлмаган футболчиларини киритиши мумкин.

6.44 Суперлига, “А” ва “В” Про-лигалари клубларининг U-18 жамоалари Ўзбекистон биринчилигида иштирок этишлари шарт.

6.45 Клубларнинг икки расмий учрашуви (шу жумладан, Ўзбекистон кубоги, **Лига Кубоги** учрашувлари ва ОФКнинг клуб мусобақалари) орасидаги вақт оралиғи 48 соатдан кам бўлмаслиги лозим.

Учрашув олди процедуралари:

- | | |
|----------------|---|
| - 90 дақиқа | - Комиссар, инспектор, ҳакамларнинг келиши; |
| - 90 дақиқа | - жамоаларнинг келиши; |
| - 60 дақиқа | - учрашув протоколини тўлдириш, футболчиларнинг лицензияларини солиштириш; |
| - 50-20 дақиқа | - чигал ёзиш машқлари; |
| - 10-5 дақиқа | - жамоаларни майдонга чиқишидан олдин сафланиши, текширув (либослар, рақамларнинг учрашув протоколига |

мувофиқлиги, стадион конструкцияси)

7-модда

МУСОБАҚАЛАРНИ ЎТКАЗИШ ФОРМАТИ

7.1 Суперлига ва U-21 чемпионатлари жами 26 турдан иборат икки давра тизимда ўтказилади. Бунда ҳар бир клуб 13 та уй ва 13 та сафар учрашувида иштирок этади.

7.2 U-21 учрашувлари клубларнинг асосий таркиблари учрашувларидан бир кун олдин ўтказилади.

7.3 Суперлигада 14-ўринни эгаллаган жамоа “А” Про-лигасига туширилади. 13-ўринни эгаллаган жамоа “А” Про-лигасида 2-ўринни эгаллаган жамоа билан плей-офф учрашувини ўтказади. Учрашув “А” Про-лига жамоаси майдонида ўтказилади.

7.4 “А” Про-лигада биринчи ўринни эгаллаган жамоа кейинги мавсумда Суперлига учрашувларида ўйнаш ҳуқуқини қўлга киритади. Иккинчи ўрин эгаси эса ўтиш ўйинида иштирок этади.

7.5 “А” Про-лигада охириги ўринни эгаллаган жамоа 2020 йилда “А” Про-лигада ўйнаш ҳуқуқини йўқотади. “Б” Про-лига ғолиби “А” Про-лига учун имтиёзли йўлланмани (агар лицензиялаш талабини бажариб улгурмаган бўлса) қўлга киритади. Шунингдек, “А” Про-лиганинг имтиёз билан ўйнаётган жамоалари бир йил ичида талабни бажармаса, қайси ўринда бўлишидан қатъий назар қуйи лигага тушириб юборилиши мумкин.

7.6 Суперлига ва “А” Про-лиганинг миллий лицензиялаш жараёнидан ўтмаган, лекин “В” Про-лигаси лицензиялаш мезонларига жавоб берадиган клублар, шунингдек, иккинчи лиганинг худудий ғолиблари (“В” Про-лигаси мезонларига жавоб берган тақдирда) “А” Про-лигасига имтиёзли йўлланма берадиган ЎзПФЛ Кубогида иштирок этади. ЎзПФЛ Кубоги 2019 йил март ойида ўтказилади. Бунда шуни ҳисобга олиш керакки, имтиёзли йўлланма эгаси Про-лига “А” талабларига жавоб берадиган стадион топиши шарт. “А” Про-лигасида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган ғолиб жамоа аввалроқ аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида шартли равишда миллий лицензиялаш ва мониторинг жараёнидан йил давомида ўтиб бориши лозим. Агар клуб йил давомида “А” Про-лига талабларига жавоб бермаса, ундан иштирок этиш лицензияси мавсум сўнгида ЎзПФЛ томонидан қайтариб олинади.

“А” ва “В” Про-лигалари, аёллар чемпионати ва U-18 формати миллий лицензиялаш натижаларига кўра жамоаларнинг тасдиқланган сонига мувофиқ ЎзПФЛнинг Ижроия қўмитаси томондан тасдиқланган алоҳида Низом билан белгиланади.

8-модда

ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ ВА ЛИГА КУБОГИ МУСОБАҚАЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ФОРМАТИ

8.1. Янги мавсум аввалида Ўзбекистон чемпиони ҳамда Ўзбекистон кубоги соҳиби ўртасида Суперкубок учрашуви ўтказилади.

8.2 Ўзбекистон кубоги мусобақаларида қуйидаги жамоаларга иштирок этиш учун рухсат берилади:

- Суперлига жамоалари;
- “А” ва “В” Про-лигалари жамоалари.

8.3 Ўзбекистон кубоги учрашувлари беш босқичда бўлиб ўтади. Ўзбекистон кубоги учрашувларининг ҳар бир босқичи учун алоҳида куръа ташланади.

8.4 Ўзбекистон кубоги соҳиби ва Суперлига совриндорлари (1-, -2, 3-ўрин) Ўзбекистон кубоги учрашувларида нимчорак финалдан иштирок эта бошлайди. Агар кубок соҳиби совриндорлар учлигида бўлса, унинг ўрнини Суперлиганинг тўртинчи жамоаси эгаллайди.

8.5 Барча босқичлар битта учрашувдан иборат бўлади. Майдон “эгаси” бўлган жамоа куръа ёрдамида аниқланади.

8.6 Кубок учрашуви дуранг билан яқунланса, қўшимча вақт белгиланади (танаффуссиз 15 дақиқадан 2 тайм). Асосий ва қўшимча вақт ўртасидаги танаффус 5 дақиқадан ошмаслиги лозим. Агар қўшимча вақт ҳам дуранг билан яқунланса, ғолиб 2018/2019 йиллар учун чиқарилган “Ўйин қоидалари”га кўра пенальтилар серияси ёрдамида аниқланади.

8.7 Кубок учрашувлари (1/8 финал, 1/4 финал, 1/2 финал, финал) табиий қопламали майдонларда ўтказилади. Агар стадион ЎзПФЛнинг икки юқори лигаси жамоалари учун белгиланган талабларига жавоб бермаса, қабул қилувчи жамоа учрашувни ўтказиш учун шу вилоятдаги мавжуд бўлган, тегишли инфратузилмага эга бошқа жойни таклиф этиши лозим. Агар бундай стадион мавжуд бўлмаса, учрашув “меҳмон” жамоа томонида ўтказилади.

8.8 Финал бетараф бўлган стадионда ўтказилади. Стадионни ЎзПФЛ ва ЎФА белгилайди.

8.9 Ўзбекистон Лига кубогидида 16 та жамоа иштирок этади. Уларнинг 14 таси Суперлига иштирокчилари. Яна икки иштирокчи “А” Про-лигасининг лицензиялаш талабларини бажарган клуб бўлади.

8.10 Лига кубогининг биринчи босқичида 16 жамоа 4тадан 4 гуруҳга ажратиб чиқилади. Қуъра жараёнида ҳеч қандай саватлар бўлмайди. Гуруҳда жамоалар жами 3та ўйинда иштирок этади. Мезбон ва меҳмон мақомини қуъра аниқлаб беради.

8.11 Лига кубогининг иккинчи босқичида гуруҳ босқичида дастлабки икки ўринни эгаллаган жами 8та клуб иштирок этади. Қуъра ёрдамида жамоаларнинг рақиб ва ўйин қайси майдонда ўтиши аниқланади. 1/4, 1/2 ва финал беллашувларининг ҳар бири фақатгина битта учрашувдан иборат бўлади.

8.12 Чорак финалдан бошлаб ўйинлар дуранг билан якунига етса, 15 дақиқадан икки қўшимча таймлар белгиланади. Энг сўнгида голибни пенальтилар серияси аниқлаб бериши мумкин. Гуруҳ босқичида эса ғалабага 3, дуранг учун 1, мағлубиятга 0 очко берилади.

8.13 Гуруҳ босқичида жамоаларнинг очколари тенг келиб қолса, Суперлига формати бўйича иш қўрилади.

8.14 Лига кубогининг финал учрашуви нейтрал майдонда ўтказилади. Стадион ЎФА ва ЎзПФЛ томонидан белгилаб берилади.

9-модда

МУСОБАҚА ГОЛИБЛАРИНИ АНИҚЛАШ

9.1 Жамоаларнинг мусобақадаги ўринлари тўпланган очколар йиғиндисига қуъра аниқланади. Учрашувдаги ғалаба учун - 3 очко, дуранг учун - 1 очко, мағлубият учун - 0 очко ёзилади.

9.2 Иккита ва ундан кўп жамоалар жамлаган очколар тенг бўлган тақдирда, жамоаларнинг ўрни қуйидагича аниқланади:

- ўзаро учрашув(лар) натижасига қуъра (олинган очколар, урилган ва ўтказиб юборилган тўплар фарқи, урилган тўплар, ўзга майдонда ўрилган тўплар), бунда юзма-юз учрашувда техник мағлубиятга учраган жамоа энг қуйи ўринни эгаллайди;

- барча учрашувларда урилган ва ўтказиб юборилган тўпларнинг энг яхши фарқига қуъра;

- барча учрашувларда эришилган ғалабалар сонига қуъра;

- барча учрашувларда ўзга майдонда урилган тўпларнинг сонига кўра.

- Мазкур кўрсаткичларнинг ҳаммаси тенг бўлса, жамоаларнинг мусобақалардаги ўрни қуръа ташлаш орқали аниқланади. Агар вазият чемпионни ёки Осиё Чемпионлар лигасида иштирок этиш ҳуқуқини берадиган ўринларни аниқлаб берадиган бўлса, бетараф майдонда “олтин” учрашув ўтказилади.

9.3 ЎзПФЛ матбуот хизмати томонидан тарқатиладиган материаллар футбол бўйича мусобақаларнинг давом этиши ва натижаларини ақс эттирадиган расмий маълумот, деб ҳисобланади.

10-модда

МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИНИ ТАҚДИРЛАШ

10.1 Ўзбекистон Суперкубогида ғолиб бўлган клубга Суперкубок ва эсдалик диплом топширилади. Суперкубок учун учрашувда иштирок этган клубга эсдалик дипломи топширилади.

10.2 Ўзбекистон чемпионатида биринчи ўринни эгаллаган Суперлига клубига “Ўзбекистон чемпиони” учун аталган кубок берилади. Футболчиларга “Ўзбекистон чемпиони” соврини берилади. Клубга умумий сони 35 донадан кўп бўлмаган олтин медаллар тақдим этилади.

10.3 Агар чемпион муддатдан олдин аниқланса, Ўзбекистон чемпионати ғолибини аниқлаб берадиган учрашув якунида тақдирлаш маросими бўлиб ўтади.

10.4 Ўзбекистон чемпионатида иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган Суперлига клублари ЎзПФЛ дипломлари билан тақдирланади.

10.5 Ёшлар ўртасидаги мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаган Суперлига клублари умумий сони 35 донадан кўп бўлмаган ЎзПФЛ диплом ва медаллар билан тақдирланади.

10.6 “А” ва “В” Про-лигаларида биринчи ўринни эгаллаган клубларга “Про-лига жамоалари ўртасида футбол бўйича Ўзбекистон биринчилиги ғолиби” соврини берилади. Клуб аъзолари диплом билан тақдирланади.

10.7 Агар “А” ва “В” Про-Лигалари ғолиблари муддатдан олдин аниқланса, ғолибни аниқлаб берадиган учрашув якунида тақдирлаш маросими бўлиб ўтади.

10.8 “А” Про-лиганинг Ўзбекистон биринчилигида иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган клублари ЎзПФЛ дипломлари билан тақдирланади.

10.9 Аёллар ўртасидаги Ўзбекистон Чемпионати мусобақаси чемпиони 30 донадан кўп бўлмаган микдорда олтин медаллар билан тақдирланади.

10.10 Аёллар ўртасидаги Ўзбекистон Биринчилиги ғолиби 25 донадан кўп бўлмаган олтин медаллар билан тақдирланади.

10.11 Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақасида ғолиб бўлган жамоа (аёллар ўртасидаги Кубокда ҳам) кўчма кубок ва ЎзПФЛ дипломи билан, финалга чиққан жамоа эса ЎзПФЛ дипломи билан тақдирланади.

10.12 Футбол бўйича Ўзбекистон кубогининг финал учрашувида ҳакамлик қилган ҳакамлар ЎзПФЛ совғаси билан тақдирланади.

10.13 Тақдирланаётган футболчилар учрашувларнинг камида 50 фоизда, терма жамоа футболчилари учун – 40 фоизда (учрашувлар сонига кўра) протоколга киритилган бўлиши керак. Жами ғолиб ва совриндор жамоаларда тақдирланганлар сони 35 нафардан ортиқ бўлмаслиги лозим.

10.14 Тақдирлаш атрибутикалари ЎзПФЛ ҳисобидан тайёрланади.

11-модда

МУСОБАҚАЛАРГА ҲАКАМЛИК ҚИЛИШ

11.1 Ҳакамлик мазкур Регламент, “Футбол ўйини қоидалари” (2018/2019 йилларда чиқарилган), шунингдек, ИФАВ томонидан қабул қилинган ўзгартиш ва қўшимчалар асосида амалга оширилади.

11.2 Мусобақаларда ҳакамлик қилишга ЎФА Ҳакамлар ва инспекторлар қўмитаси томонидан тавсия этилган, ЎзПФЛ бош директори билан келишилган, ЎФА президенти ёки биринчи вице-президентининг буйруғи билан тасдиқланган ҳакамлар қўйилади. ЎФА ва ЎзПФЛ штат ходимлари, ҳудудий футбол ассоциациялари раҳбарлари ҳакамлик қилишига йўл қўйилмайди.

11.3 Суғурта полисига эга бўлмаган ҳакамлар ҳакамлик қилишига йўл қўйилмайди.

11.4 Ҳакамларни Суперлига, Про-лига, Ўзбекистон кубоги, **Лига кубоги** учрашувларига тайинлаш ЎФАнинг Ҳакамлар ва инспекторлар

бошқармасининг ҳакамларни тайинлаш бўлими томонидан амалга оширилади.

11.5 U-21 чемпионати ва асосий таркиблар учрашувларига бош ҳакам ва захира ҳакам сифатида 2019 йил Суперлига ва Про-лига учун бош ҳакам сифатида аттестация қилинган ҳакамлар орасидан тайинланади. U-21 учрашувларига ҳакам ёрдамчилари маҳаллий ҳакамлар коллегияси ЎФА томонидан аттестация қилинган ҳакамлар ассистентлари орасидан, бундай шахслар бўлмаган тақдирда, иккинчи лиганинг энг малакали ассистентлари орасидан тайинлайди. Бунда Суперлиганинг тўрт ҳамда U-21 чемпионатининг асосий ҳаками, инспекторлари билан боғлиқ барча харажатлар ПФЛ томонидан қопланади. U-21 чемпионатидаги қанот ҳакамлари ва ёрдамчи ҳакамлар харажатлари клуб томонидан қопланади.

11.6 Жамоа ёки ташкилотларнинг учрашувга тайинланган ҳакамларни алмаштириш ҳақидаги илтимослари қабул қилинмайди.

11.7 Ҳакамларнинг учрашув ўтказиладиган шаҳарга қайси муддатда етиб келишлари Ҳакамлар ва инспекторлар бошқармаси ҳамда ЎзПФЛ бош директори томонидан ўзаро ҳал қилинади.

11.8 Муддатлар узрли сабаблар юзага келган ёки дастлаб тайинланган ҳакам алмашган тақдирда бузилиши мумкин. Агар бош ҳакам ҳакамлик қилиш учун келмаган бўлса, ўрнатилган тартибда тасдиқланган захира ҳаками унинг ишини амалга оширади.

11.9 ЎФА ҳакамлар бригадасини алмаштиришга ҳақлидир.

11.10 Агар тайинланган ҳакамлар бригадаси учрашувга ҳакамлик қилиш учун етиб келмаган бўлса, ЎФАнинг Ҳакамлар ва инспекторлар бошқармасининг рухсатига кўра, учрашув маҳаллий коллегиянинг энг малакали ҳакамлари томонидан олиб борилиши мумкин. Ёрдамчилардан бири бирор сабабга кўра майдонга чиқмаган ҳолда, ёрдамчи сифатида майдонга чиққан маҳаллий коллегиянинг захира ҳаками иккала таймни назорат қилишдан ташқари, захира ҳаками вазифасини ҳам бажариши лозим.

11.11 Учрашув бошланишидан камида бир соат олдин бош ҳакам ЎзПФЛ комиссари билан бирга футбол майдонини кўздан кечириши, унинг сифатини 5 баллик тизимда баҳолаши ва бу ҳақда комиссарга ўз фикрини бериши лозим.

11.12 Комиссар ва захира ҳаками учрашув протоколига киритилган футболчи ҳамда расмий шахслар ҳужжатларини текшириши шарт. Улар жамоа раҳбарлари билан биргаликда спортчиларни учрашувга қўйиш қоидаларига риоя қилиниши учун масъулдир.

11.13 Майдонга чиқишдан аввал ҳакамлар бригадаси учрашув протоколига киритилган футболчиларни жамоа раҳбарлари томонидан тақдим этилган лицензиялар бўйича текшириши, шунингдек, футболчилар рақамларини учрашув протоколига мувофиқ эканини солиштириши лозим.

11.14 Футболчиларни алмаштириш пайтида захира ҳакамига алмаштириш варақаси билан бирга майдонга чиқаётган футболчиларнинг лицензияси тақдим этилади.

11.15 Захира ҳаками майдон периметри бўйлаб техник ва бошқа зоналарга оид хавфсизлик қоидаларига риоя қилиниши учун масъулдир. У тўпларни узатиб турадиган ёш футболчиларга ва ўз вазифаларини бажарадиган бошқа техник ходимларга тегишли йўриқнома беради.

11.16 Учрашув якунлангандан сўнг бош ҳакам ЎзПФЛ комиссари билан бирга 30 дақиқа давомида учрашув протоколини тўлдириши лозим. Агар учрашув давомида огоҳлантиришлар, четлаштиришлар ва футболчиларнинг жароҳатлари, шунингдек, стадионда тартиббузарликлар юз берган бўлса, бош ҳакам ЎзПФЛ комиссари билан биргаликда бу ҳақда батафсил учрашув протоколида баён этиши, кўрсатилган карточкалар сабабини аниқ тушунтириб ёзиши керак.

11.17 Агар ҳакамликнинг сифатига нисбатан жамоаларнинг бирида эътирозлар мавжуд бўлса, бош мураббий ёки спорт директори бу ҳақда учрашув комиссарига маълум қилиши зарур. Ҳакамлик сифати бўйича эътирозлар (учрашувдаги аниқ ҳолатларнинг дақиқалари келтирилган қисқача таърифи) ЎзПФЛ комиссари томонидан учрашув протоколида қайд этилади ва жамоа вакили томонидан имзоланади. Шундан сўнг 24 соат ичида кўрсатилган учрашувнинг видеоёзуви ЎзПФЛга тақдим этилади.

11.18 Учрашувдан олдин, учрашув давомида ва учрашувдан кейин, шунингдек, ҳакамлар хонасида ёки ҳакамлар бригадасининг йўлида юз берган барча нохушликлар ва четлаштиришлар (иккинчи огоҳлантириш ва “охирги умид” фоли учун четлаштириш бундан мустасно) ҳақида бош ҳакам ва унинг ёрдамчилари ЎзПФЛ комиссарини огоҳлантириши ҳамда ЎзПФЛ маъмуриятига билдирги хати юбориши шарт.

11.19 Ҳакам ёки комиссар протоколга учрашув давомида юз берган огоҳлантириш ёки четлаштириш, бошқа нохушликлар ҳақида маълумотни киритмаган бўлса, улар Интизом ва одоб-ахлоқ (этика) кодексига мувофиқ Ўзбекистон чемпионати, Про-Лигалари ва Ўзбекистон кубоги учрашувларини олиб боришдан четлаштирилади.

11.20 Ҳакамлар “Футбол яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича декларация”ни имзолаши лозим. Акс ҳолда уларга мусобақаларда иштирок этиш учун рухсат берилмайди.

12-модда

МУСОБАҚАЛАРДА ИНСПЕКТОРЛИК ҚИЛИШ

12.1 Мусобақаларни текшириш Ҳакамлар ва инспекторлар кўмитаси томонидан тавсия этилган ва ЎзПФЛ бош директори билан келишилганидан кейин ЎФА президенти ёки биринчи вице-президенти буйруғи билан тасдиқланган инспекторлар томонидан амалга оширилади.

12.2 Суперлига ва Про-лига жамоаларининг ариза варақаларига киритилган шахсларга инспекторлик қилиш тақиқланади.

12.3 Суғурта полисига эга бўлмаган инспекторларга инспекторлик қилишга рухсат берилмайди.

12.4 Суперлига жамоалари учрашувларига тайинланган инспектор U-21 чемпионати учрашувларига ҳам инспекторлик қилади.

12.5 Учрашувга тайинланган инспекторларни алмаштириш ҳақидаги илтимослар қабул қилинмайди.

12.6 Инспектор мазкур Регламент, “Футбол ўйини қоидалари” (2018-2019 йилларда чиқарилган), шунингдек, IFAB томонидан қабул қилинган ўзгартиш ва қўшимчалар, “Футбол бўйича мусобақаларда ҳакамлик сифати учун ҳакамларни баҳолаш бўйича Йўриқнома” талабларига қатъий риоя этиши шарт.

12.7 Инспектор (ЎзПФЛ комиссари бўлмаган ўйинларда) стадион ва тегишли хизматларнинг учрашувни ўтказишга тайёр экани, шунингдек, мазкур Регламентда ўйин ўтказиш учун талаб қилинган бошқа ҳужжатлар мавжудлигини текшириши лозим. Агар ушбу ҳужжатлар бўлмаса ёки мазкур Регламент талаблари бажарилмаса, инспектор клуб директори ва стадион дирекциясидан аниқланган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш, стадионни учрашувга тайёрлашни талаб қилиши зарур.

12.8 ЎзПФЛ инспектори учрашувни юқори савияда ўтиши учун комиссарга зарур кўмак кўрсатади.

12.9 Инспектор ҳакамларнинг ҳаракатларини амалдаги услубий кўрсатмалар ва шахсий таҳлил асосида баҳолаши лозим.

12.10 Учрашув якунланганидан сўнг инспектор ҳакамлар бригадаси билан биргаликда учрашувни таҳлил қилиши лозим. Инспектор ва ҳакамлар бригадаси учрашув видеоёзувини кўриб чиқиб, таҳлил қилганидан сўнг, инспектор 24 соат ичида билдиргини тўлдириб, ЎФАнинг Ҳакамлар ва инспекторлар бошқармасига ҳисобот йўллаши лозим.

12.11 Учрашувдан олдин, учрашув давомида ва учрашувдан кейин, шунингдек, ҳакамлар хонасида ёки ҳакамлар бригадасининг йўлида юз берган барча нохушликлар ва четлаштиришлар (иккинчи огоҳлантириш ва “охирги умид” фоли учун четлаштириш бундан мустасно), ҳакамликнинг сифати бўйича эътироз ёки шикоятлар келтирилиши ҳақида инспектор ЎзПФЛ бош директори номига билдирги хатини тайёрлаши лозим.

12.12 Агар инспектор учрашувдан кейинги тезкор маълумотда ёки ўз билдиргисидан учрашув давомида юз берган огоҳлантириш ёки четлаштириш, бошқа нохушликлар ҳақида маълумотни киритмаган бўлса, у ЎФА Ҳакамлар ва инспекторлар кодексига мувофиқ Ўзбекистон чемпионати, биринчилиги, Ўзбекистон кубоги учрашувларида инспекторлик қилишдан четлаштирилади.

12.13 Инспектор учрашув якунидан сўнг 48 соатдан кечиктирмай ЎзПФЛга ўрнатилган шаклдаги билдиргини буюртмали хат билан ёки шахсан етказиши шарт.

12.14 Инспекторлик сифати Ҳакамлар ва инспекторлар кўмитасининг Таҳлил комиссияси томонидан баҳоланади. Инспектор билдиргиси молиявий ҳужжат бўлиб, Таҳлил комиссияси томонидан текширилганидан сўнг ЎзПФЛда сақланади.

12.15 Инспекторлар “Футбол яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича декларация”ни имзолашлари лозим.

13-модда

ЎзПФЛ КОМИССАРИ

13.1 Учрашувни ташкил этиш ва ўтказишни назорат қилиш учун ЎзПФЛ комиссари тайинланади.

13.2 ЎзПФЛ комиссарларининг рўйхати ЎзПФЛ бош директори томонидан ЎФА ва ЎзПФЛ семинарларидан ўтган ходимлар орасидан шакллантирилади.

13.3 ЎзПФЛ комиссарларини учрашувга тайинлаш ЎзПФЛ бош директори томонидан амалга оширилади.

13.4 Суперлига, U-21 чемпионати, кубок, “А” ва “Б” Про-лига учрашувларида ЎзПФЛ комиссари захира ҳаками ва жамоалар раҳбарлари билан биргаликда учрашув бошланишидан 60 дақиқа олдин мусобақанинг электрон протоколига футболчиларнинг исми-фамилиясини, рақамларини ўсиш тартибида ва расмий шахсларнинг лавозими кўрсатилган ҳолда киритиши ҳамда учрашувнинг бош ҳакамига футболчи ва расмий шахсларни лицензияларини тақдим этиши лозим.

13.5 ЎзПФЛ комиссари вазифалари қаторига учрашувни мазкур Регламентга мувофиқ ташкил этилиши, хавфсиз ўтказилишини назорат қилиш, ҳуқуқ-тартибот органлари, стадион маъмурияти, жамоаларнинг расмий шахслари ва футболчилари, томошабинлар, инспекторнинг ҳаракатларини баҳолаш киради.

13.6. ЎзПФЛ комиссари учрашув инспектори ҳаракатларини ўсиш тизими бўйича “Аъло” – “Яхши” – “Қониқарли” – “Қониқарсиз” сифатида баҳолайди ва уни ЎзПФЛ Бош директорига тақдим этади. Ушбу баҳолар учрашув инспекторининг учрашув учун оладиган мукофот пулларига таъсир қилиши мумкин.

Аъло – 100%

Яхши – 75%

Қониқарли – 50%

Қониқарсиз – уч учрашувга четлатиш

13.7 Жамоа календарда белгиланган учрашувга етиб келмаган тақдирда, ЎзПФЛ комиссари юзага келган вазият ҳақида ЎзПФЛ маъмуриятини огоҳлантириши лозим.

13.8 Комиссар майдон “эгаси” бўлган жамоанинг учрашув видеоёзувини амалга оширишга тайёр эканини текшириши ва зарур ҳолларда, уни “меҳмон” жамоа томонидан амалга оширилишига кўмаклашиши лозим.

13.9 Учрашув якунланганидан кейин бир соат ичида комиссар бўлиб ўтган учрашув, ундан олдин, учрашув давомида ва учрашувдан кейин юз берган барча нохушликлар, ҳакамликнинг сифати бўйича эътирозлар ёки шикоятлар келтирилиши ҳолатлари ҳақида батафсил маълумотни ЎзПФЛ навбатчисига етказиши лозим.

13.10 Учрашувларга тайнланган комиссарлар учрашув протоколини ЎзПФЛга юбориши лозим. Комиссар бўлиб ўтган учрашув ҳақидаги маълумотни ўз вақтида ва ҳаққоний етказилиши учун шахсан масъулдир.

13.11 ЎзПФЛ комиссари учрашувга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш борасида баҳсли масалалар юзага келган ҳолларда ҳал этувчи овозга эга.

13.12 Инспектор ва ҳакамлар бригадаси ЎзПФЛ комиссарига бўйсунди.

13.13. Учрашув комиссари стадиондан фақатгина стадиондаги мухлислар, жамоалар ва учрашув ҳакамлари стадиондан чиқиб кетганига ишонч ҳосил қилганидан кейингина чиқиб кетиши мумкин.

13.14 Ўтказилган учрашув ҳақидаги ҳисобот ЎзПФЛ комиссари томонидан бевосита ЎзПФЛнинг бош директори номига юборилади.

13.15 ЎзПФЛ комиссарлари “Футбол яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича декларация”ни имзолаши лозим.

14-модда

ПРОТЕСТЛАР. ҲАҚАМЛАР ҚАРОРЛАРИГА ШИКОЯТ КЕЛТИРИШ

14.1 Ҳакамларнинг қарорлари бўйича протестлар ва шикоятлар Ўзбекистон профессионал футбол клублари ўртасида ўтказиладиган футбол мусобақаларининг 2019 йилги Регламентига мувофиқ келтирилади ва кўриб чиқилади.

14.2 Протестлар ЎФАнинг Интизом ва одоб-ахлоқ (этика) комиссияси томонидан кўриб чиқилади. Протестлар учрашув якунланганидан сўнг икки соат давомида мазкур Регламент ва “Ўйин қоидалари” талабларининг учрашувни ўтказишга оид қисмидаги ҳолатларнинг бузилишига (ҳаракатлар ёки лоқайдликка) нисбатан келтирилади.

14.3 Қуйидагилар кўриб чиқилмайди:

- ўз муддатида киритилмаган протест ва шикоятлар;
- учрашув протоколида қайд этилмаган протест ва шикоятлар;
- 48 соат давомида клуб томонидан пуллик бадал киритилгани ҳақидаги хабарнома билан таъминланмаган протест ва шикоятлар.

14.4 Протест мазмунида уни киритиш учун асос бўлган сабаблар, шунингдек, Регламентнинг бузилиши ва/ёки футбол ўйини қоидаларига риоя қилмаслик билан боғлиқ тафсилотлар келтирилиши лозим.

14.5 Спорт директори ёки бош мураббий учрашув якунланганидан сўнг протест ёки шикоят киритишга ҳақли. Улар бу ҳақда зудлик билан ЎзПФЛ комиссарини хабардор қилишлари лозим. Протест ёки шикоят келтирилгани (унинг қисқача мазмуни ва дақиқаларнинг аниқ кўрсатилиши билан) учрашув протоколида акс эттирилади.

14.6 Учрашув ўтказилишини ташкил этиш шартларининг бузилиши билан боғлиқ протест ЎзПФЛ комиссарига учрашув бошланишидан камида 60 дақиқа олдин киритилади.

14.7 Рақиб жамоа вакили протест ёки шикоят келтирилгани ҳақида огоҳлантирилиши ва бу ҳақда учрашув протокоliga тегишли ёзув киритилиши лозим.

14.8 Протест ёки шикоят учрашув якунланганидан сўнг 24 соат ичида ЎзПФЛ Маъмуриятига юборилиши лозим.

14.9 Протест ЎФАнинг Интизом ва одоб-ахлоқ масалалари бўйича кўмитасига барча материаллар келиб тушганидан сўнг ҳамда куйидаги миқдорда ЎзПФЛга пуллик бадал тўланганидан сўнг 7 кун муддатдан кечиктирилмасдан кўриб чиқилади:

- Суперлига ва “А” Про-лигада — 5 000 000 сўм;
 - “В” Про-лига клублари — 3 000 000 сўм;

14.10 Ҳакамларнинг ўз ҳаракатларига баҳо бериш тўғрисидаги ёзма апелляция аризалари Эксперт-ҳакамлик комиссияси (ЭҲК) томонидан куйидаги миқдорда ЎзПФЛга пуллик бадал тўланганидан сўнг 7 кун муддатдан кечиктирилмасдан кўриб чиқилади:

- Суперлига ҳакамларига — 1 000 000 сўм;
- Про-лига ҳакамларига — 500 000 сўм.

14.11 Протест ёки шикоят мазмунини ташкил қилувчи тафсилотлар учрашув видеоёзуви, учрашув протоколи ва инспектор билдиришномасидаги ёзувлар, ҳакамларнинг рапортлари, ЎзПФЛ комиссарининг рапорти, тафсилотларни атрофлича ва тўла ўрганилишига кўмаклашадиган бошқа ҳужжатлар каби далиллар билан келтирилиши зарур.

14.12 Пуллик бадалнинг қайтарилишига протест ёки шикоятнинг қаноатлантирилиши, протест ёки шикоятда келтирилган тафсилот (ҳолат)ларни асосланган ва мазкур Регламентга зид эканини тан олиниши асос бўлади. Агар футбол клуби киритган протест ёки

шикоятини қайтариб олса ёки уни 48 соат давомида бекор қилса, пуллик бадал қайтарилади ҳамда клубга нисбатан интизомий чоралар қўлланилмайди. Агар учрашув протокоliga протест ёки шикоят келтирилиши ҳақида ёзув киритилса, аммо клуб уларни кейинчалик ЎзПФЛ маъмуриятига юборилиши учун ҳеч қандай чораларни кўрмаган бўлса, бу ҳолда клубга нисбатан ушбу Регламентнинг талабларига мувофиқ интизомий чоралар кўрилади.

15-модда

ҲАВАСКОР БЎЛМАГАН ФУТБОЛ КЛУБ ЖАМОАЛАРИНИНГ МУСОБАҚАЛАРДА ИШТИРОК ЭТИШИ УЧУН МОЛИЯВИЙ ШАРТЛАР

15.1 Профессионал футбол клублари жамоанинг мусобақаларда иштирок этиши ва ушбу мусобақаларни ташкил этиши билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига оладилар.

15.2 2019 йилги мавсум учун Суперлигада иштирок этишнинг бадали умумий **550 000 000** сўмни ташкил қилади. Бунда жамоанинг футбол клублари томонидан тўланиши керак бўлган бадал пули ҳам кўшиб ҳисобланган. ПФЛ аёллар футбол клубларидан бадал пули олмайди. Клубларни лицензиядан ўтказиш қўмитаси хулосасига кўра футбол клуби ўз академиясига эга бўлмаса, у ҳолда мазкур жамоа **1 800 000 000** бадал пули тўлабгина мусобақада иштирок этади.

15.3 2019 йилги мавсумда “А” Про-лигада иштирок этиш учун бадал **250 000 000** сўмни ташкил қилади. Бунда жамоанинг аёллар ҳамда футбол клублари томонидан тўланиши керак бўлган бадал пули ҳам кўшиб ҳисобланган. Клубларни лицензиядан ўтказиш қўмитаси хулосасига кўра футбол клуби ўз академиясига эга бўлмаса, у ҳолда мазкур жамоа **1 500 000 000** бадал пули тўлабгина мусобақада иштирок этади.

15.4 “В” Про-лигада иштирок этиш учун ариза бадали **100 000 000** сўмни ташкил қилади.

15.5 Мавсум давомида бошқа харажатлар юзага келса, шунингдек, инфляция муносабати билан боғлиқ муаммолар юзага келса, ЎзПФЛ ЎФА билан келишилган ҳолда бадал пули миқдорини кўпайтириши мумкин.

15.6 Агар клуб мусобақа иштирокчилари таркибидан чиқарилган бўлса, клуб томонидан аввал амалга оширилган бадал тўловлари қайтарилмайди.

15.7 ЎзПФЛнинг бошқа мусобақаларида иштирок этиш учун ариза бадали кўшимча Низомларда белгиланади. Унгача Суперлига клублари 1 март қадар, Про-лигалар клублари эса 20 мартга қадар ўз тўловларини амалга оширишлари керак бўлади.

15.8 Бадал пулларини тўлаш мухлатлари:

- Суперлига клублари – 1 март кунигача
- Про-Лига “А” ва “В” клублари – 20 март кунигача

15.9 Ариза бадаллари ҳисобидан чемпионат, U-21 чемпионати, Ўзбекистон кубоги учрашувлари, Суперлига ва Про-лига жамоалари ўртасидаги мусобақаларни ўтказиш, шунингдек, қайд этилган мусобақалар ғолибларини тақдирлаш харажатлари қопланади. Шунингдек, илмий-услубий ва ахборот-таҳлилий адабиётларни чоп этиш, бинолар ижараси ва таъмирланиши, зарур инвентарь ва техник воситалар (шу жумладан, компьютер ва оргтехника)ни, автотранспортларни харид қилиш, ЎзПФЛ аппарати фаолиятининг харажатлари ҳам шулар жумласидандир.

15.10 ЎзПФЛ комиссарларига, инспекторлар ва ҳакамларга Суперлига, U-21, кубок учрашувлари, “А” ва “В” Про-лига, аёллар футбол ва футбол мактаблари учрашувларидаги ҳакамлик ҳамда инспекторлик қилиш билан боғлиқ хизматлари учун тўловлар қуйидаги миқдорларда амалга оширилади (бир учрашув учун Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси сўмда):

Ишчи	СЛ	U-21	Кубок	Про “А”	Про “В”	U-18	Аёллар
Бош ҳакам	3 000 000	500 000	1 500 000	1 500 000	1 000 000	250 000	450 000
Лайнсмен	1 500 000	300 000	750 000	750 000	500 000	150 000	300 000
4-ҳакам	500 000	100 000	150 000	150 000	150 000	100 000	100 000
Инспектор	800 000	200 000	500 000	500 000	250 000	100 000	350 000
Комиссар	400 000		400 000	400 000	400 000		400 000

а) ЎзПФЛ расмий шахсларига Суперлига, U-21, Ўзбекистон кубоги учрашувлари, **Лига кубоги** “А”, “В” Про-лигалари ва аёллар футбол учрашувлари учун хизмат ҳақи ЎзПФЛ ҳисоб-китоб бўлими томонидан нақдсиз тўлов орқали амалга оширилади.

б) U-18 учрашувлари учун инспекторлар ва ҳакамларга Ўзбекистон биринчилиги, футбол мактаблари ўртасидаги учрашувлар учун тўловлар

қабул қилувчи клуб томонидан учрашув бошланишидан камида бир соат олдин амалга оширилади.

15.11 Агар Ўзбекистон кубоги учрашувларида турли лига жамоалари учрашадиган бўлса, ҳисоб-китоблар Суперлига клублари учун белгиланган меъёрларга мувофиқ амалга оширилади.

15.12 Аъзолик бадалини тўламаган ёки белгиланган муддатда тўлиқ тўламаган, шунингдек, аввалги мавсумда чиқарилган жарималар бўйича қарздорликни қопламаган клубнинг ЎзПФЛнинг тақдимномасига кўра мусобақаларда иштирок этишига рухсат берилмаслиги мумкин. Бу ҳақдаги қарор ЎФА Ижроия қўмитаси томонидан тасдиқланади.

15.13 Агар майдон “эгаси” бўлган клуб ҳакамлик хизматлари учун 15.10 бандининг “б” кичик бандида ўрнатилган тўловларни амалга оширмаган бўлса, учрашув инспектори бу ҳақда зудлик билан ЎзПФЛ маъмуриятини келгуси ҳаракатларини келишиш учун хабардор қилиши лозим.

15.14 Суперлига, “А” ва “В” Про-лигаларида Ўзбекистон фуқароси бўлмаган мураббий, мутахассис, футболчини рўйхатга олиниши учун уларни ишга қабул қилаётган клуб ҳар бир легионер учун ЎзПФЛ ҳисоб рақамига **20 000 000** сўм пул ўтказиши лозим. Агар легионер мазкур Регламент бандларида назарда тутилган талабларнинг бирига жавоб бермаса, истисно тариқасида клуб ЎзПФЛ ҳисоб рақамига (далиллар келтирилган ҳолда) легионер футболчини рўйхатга олиш учун **100 000 000** сўм пул ўтказиши ва унинг хизматидан фойдаланиши мумкин.

15.15 Барча мусобақаларга кириш чипталарининг нархи клуб томонидан мустақил ўрнатилади. Шу билан бирга чипталарнинг минимал нархини ЎФА ва ЎзПФЛ белгилайди. Кириш чипталарининг сотилишидан тушган даромад учрашувда майдони “эгаси” бўлган клуб ихтиёрида қолади. Чипта нархининг белгиланишида VIP секторларга туташ секторлар учун чиқарилган чипталар нархи, қарама-қарши томон секторлари учун чипталар нархидан камида уч марта қимматроқ бўлиши шарт. Бунда мана шу туташ секторлар учун чиқарилган чипталар нархи 50 минг сўмдан кам бўлмаслиги керак. Агар клуб VIP секторга қарама-қарши, яъни, камера объективкаси кўрсатаётган секторларининг 70 фоизи мухлислар билан тўлишига ишонса, у ҳолда клуб VIP секторга туташ секторлар учун чипталарни исталган нархда сотишга ҳақли. Йўқса, клубга нисбатан жарима қўлланилади.

15.16. Мезбон жамоа меҳмон жамоа мухлислари сардорининг сўровига мувофиқ 200тадан кўп бўлмаган миқдорда бепул чипта ажратиши шарт. Мезбон жамоа ўзининг расмий мухлислар клубининг 400 нафардан ортиқ бўлмаган аъзолари учун белгиланган секторга бепул кириш ҳуқуқини берувчи махсус рухсатнома тақдим этиши шарт.

15.17 ЎзПФЛ ўз расмийлари учун ҳар қандай ўйинга турли тоифадаги чипталарни талаб қилинган миқдорда бепул олишга ҳақли.

15.18 Миллий лицензиялаш Регламенти талабларига кўра, клублар ЎзПФЛ олдида молиявий ҳисобот беради. Шунингдек, 1 йилда икки марта ЎзПФЛ учун аудит текширувидан ўтказилади.

15.19 Клублар ҳар ойнинг 10-санаси ва ҳар чорақда кейинги ойнинг 25-санасига қадар молиявий ҳисоботни (бухгалтерия баланси, 1-шакл) ҳамда молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботни (2-шакл, сарф-харажатлар ва даромадлар тавсифи) тақдим этиши лозим.

16-модда

МАРКЕТИНГ ВА МУСОБАҚАЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАР

16.1 ФИФА ва ОФК нормаларига мувофиқ спорт мусобақалари ташкилотчилари сифатида Ўзбекистон футбол ассоциацияси ва Ўзбекистон профессионал футбол лигаси ўзларининг тегишли юрисдикцияси остида бўлган футбол мусобақалари ва барча бошқа тадбирлар билан боғлиқ ҳуқуқларга, уларнинг мазмуни, вақти, жойи бўйича қонунчиликка оид бирор-бир чекловларсиз эгалик қилади. Ушбу ҳуқуқлар, жумладан, молиявий ҳуқуқларнинг ҳар қандай турлари, ҳар қандай шакл (тўғридан-тўғри эфир, ёзув ёки видеолавҳалар)да ёзилган аудиовизуал ва радиоёзувларга нисбатан ҳуқуқлар, ижро этиш ва эфирга узатиш, мультимедиа ҳуқуқлари, маркетинг ва реклама ҳуқуқлари, шунингдек, эмблема ёки муаллифлик ҳуқуқида келиб чиқувчи интеллектуал мулк ҳуқуқларини ўз ичига олади.

16.2 ЎФА ва ЎзПФЛга тегишли ҳуқуқларга мусобақалар билан боғлиқ, ФИФА ва ОФК уставларининг тегишли меъёрларига асосланган тижорат ва телевизион ҳуқуқлар, шу жумладан:

- Ўзбекистон Суперлигаси ва Про-лигалари расмий ҳомий (шу жумладан, бош ҳомий)лари ва ҳамкорларини тайинлаш;

- мусобақаларнинг ЎзПФЛ томонидан тасдиқланган номланишлари, логотипи ва бошқа расмий белгиларидан реклама, тижорат мақсадларида фойдаланиш;

- Телевизион ҳуқуқлар, учрашувлардан тўла ҳажмда ва ҳар қандай техник усуларда жой ва мазмуни бўйича ҳеч қандай чекловларсиз телевизион сигнални ишлаб чиқариш ва бутун дунёга узатиш, трансляция лавҳаларидан информацион дастурларда, ҳафталик

шарҳларда ва бошқа дастурларда фойдаланиш, ҳар бир учрашувнинг трансляциясидан интернетда жойлаштириш учун фойдаланиш ҳуқуқи;

- Суперлига ва Про-лига клублари ушбу ҳуқуқларни амалга ошириш учун бош ахборот ҳамкор, телерадиоузатувчилар ёки бошқа ташкилотлар билан музокаралар олиб бориш ваколатини ЎФА, ЎзПФЛга топширади. Суперлига учрашувларини эфирга узатиш ҳуқуқини қўлга киритган телерадиоузатувчилар сифатли суратга олишни ва учрашувларни республика каналларида тўғридан тўғри эфирда намойиш этилишини таъминлаши лозим. Бу борада суратга олиш ишлари камида 8 та телекамералар, шу жумладан, секинлаштирилган суратга олиш камераси (SSM) ёрдамида амалга оширилиши лозим. Телеузатувчилар эфирга узатган учрашувларнинг умумий ҳажми Суперлиганинг мавсум давомидаги учрашувларининг камида 60 фоизни ташкил қилиши лозим.

- Учрашувларини эфирга узатиш ҳуқуқини қўлга киритган телерадиоузатувчилар Суперлиганинг бош ҳомий ва расмий ҳамкорларининг реклама роликларини эфирда жойлаштиришлари шарт. Реклама роликларини узатиш тартиби Тижорат регламенти билан белгиланади.

- радио ҳуқуқлар – учрашувлар радио сигналини ишлаб чиқиш ва бутун дунёга барча диапазонларда мазмун бўйича ҳеч қандай чекловларсиз узатиш ҳуқуқи;

- визуал ҳуқуқлар – учрашув давомида маълумот сақловчи манбалардан ва стадиондаги визуал ҳудуддан, шу жумладан, телевизион камералар кўрадиган зоналардан реклама ва инфор­мацион материалларни жойлаштириш учун фойдаланиш (тегишли стадионнинг футбол майдонининг периметри бўйлаб реклама қурилмаларида, футболчиларнинг либосларида шевронлар кўринишида, захирадаги футболчиларнинг ўриндиқларида визуал рекламани жойлаштириш ҳуқуқи), жумладан, тегишли стадионнинг электрон-информацион таблосида ҳамда бошқа ахборот манбаларида визуал рекламани жойлаштириш ҳуқуқи;

- учрашув давомида стадионда аудиорекламани жойлаштириш ҳуқуқи;

- телефон алоқаси орқали sms-трансляция олиб бориш ҳуқуқи;

- учрашувдан кейинги матбуот анжумани, клуб футболчилари ва расмий шахслар билан ўтказиладиган флеш-интервью материалларидан тижорат мақсадларида фойдаланиш ҳуқуқи;

- мерчендайзинг маҳсулотларини намойиш қилиш, бепул тарқатиш ва сотиш ҳуқуқи (учрашувда “меzbонлик” қиладиган клуб билан келишилган равишда), шунингдек, Суперлиганинг расмий ҳомий/ҳамкорлари номидан стадионда махсус совринларни эълон қилиш ҳуқуқи;

- ўйин майдонининг периметри бўйлаб реклама тўсиқларининг (умумий сони 43тадан келиб чиққан ҳолда) 60 фоизидан Суперлиганинг бош ҳомийси ва расмий ҳамкорлари логотиплари ҳамда бошқа маълумотларини жойлаштириш учун фойдаланиш ҳуқуқи. Клуб томонидан фойдаланиладиган реклама тўсиқларининг сонини кўпайтириш масаласи шартли равишда ЎзПФЛ билан тижорий асосда келишилади;

- Электрон реклама тўсиқлари мавжуд ҳолларда Суперлиганинг бош ҳомийси ва расмий ҳамкорлари логотиплари ҳамда бошқа маълумотларини жойлаштириш тартиби ЎзПФЛ томонидан белгиланади.

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, ФИФА, ОФК ва ЎФА томонидан белгиланган қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлар.

16.3 Ушбу ҳуқуқларни эксклюзив асосда ёки учинчи томон билан ҳамкорликда, ёки тўлалигича учинчи томон воситачилигида амалга оширилиши ҳақидаги қарор фақат ЎзПФЛ томонидан қабул қилинади. Тижорат ва телевизион ҳуқуқлардан фойдаланишга оид барча масалалар Суперлиганинг барча клублари учун ижро этилиши мажбурий бўлган Тижорат регламенти билан белгиланади.

17-модда

МЕРЧЕНДАЙЗИНГ

17.1 Футбол клублари мерчендайзинг маҳсулотлари (клубнинг рамзлари туширилган сувенир маҳсулотлари)ни ишлаб чиқариш ҳуқуқига эга. Маҳсулотларни бевосита ишлаб чиқариш олдидан уларнинг эскизлари ва дизайни ЎзПФЛнинг маркетинг бўлимига тасдиқлаш учун тақдим этилиши лозим.

17.2 Суперлига клублари янги мавсумдан олдин ўзларининг мадҳияси ва рамз (маскот)ларига эга бўлишини таъминлаши шарт

17.3 Футбол клублари футбол мавсуми бошлангунга қадар ўз стадионида камида битта мерчендайзинг маҳсулотларини сотиш шаҳобчасини ташкил этиши лозим.

18-модда

ҲОМИЙЛИК МАСАЛАЛАРИ

18.1 Футбол клублари стадионда майдоннинг икки томонида дарвоза ортида ва майдоннинг марказий қисмининг икки ёнида ЎзПФЛ бош ҳомийсининг реклама материалларини жойлаштириш учун реклама ўринларини таъминлаши шарт;

18.2 Ҳисоб ва ҳақиқий вақтни намойиш этадиган катта экранда (шундай экран мавжуд бўлса) ҳомийнинг товар белгиси намойиш этилишини таъминлаш керак;

18.3 Учрашув ўтказилиши билан боғлиқ барча босма материалларда, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари, чипталар, ахборотномалар, афиша ва веб-сайтларда расмий ҳомийлик ҳақидаги ахборот жойлаштирилишини таъминлаш шарт;

18.4 Ҳар йили мавсум бошланишидан олдин клублар ўзларининг мавжуд ва истиқболли ҳомийлари ҳақидаги маълумот (компаниянинг юридик номи, ишлаб чиқариш соҳаси, асосий фаолияти, боғланиш телефонлари)ни ЎзПФЛга тақдим этиши шарт.

18.5 Стадион худуди бўйлаб ҳомийлар ҳақида жойлаштириладиган ҳар қандай реклама-ахборот тусига эга материаллар ЎзПФЛнинг маркетинг бўлими билан расмий келишилган бўлиши лозим.

18.6 Регламентнинг маркетинг соҳаси ва тегишли маркетинг ҳуқуқларини амалга ошириш билан боғлиқ бирор-бир қондасига риоя қилмаган клубга нисбатан молиявий интизомий чоралар кўрилади.

19-модда

УЧРАШУВЛАРНИ РАДИО ВА ТВ ОРҚАЛИ ЭФИРГА УЗАТИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

19.1 Суперлига ва “А” ва “В” Про-лига клублари учрашувнинг видеоёзувини (HD форматида) амалга ошириши шарт, видеоёзув 30 кундан кам бўлмаган муддат давомида сақланиши лозим. Тасвирга олиш ишлари майдон “эгаси” ҳисобланган клуб томонидан камида иккита камерадан амалга оширилади. Видеосъёмка ракурси футбол майдонининг иккала жарима майдонларини тўлиқ тасвирга олинишини таъминлаши зарур. Про-лига клублари учрашувлари майдон “эгаси” бўлган клуб томонидан камида битта камерадан амалга оширилади. Видеоёзувда жамоаларнинг майдонга чиқишидан бошлаб, жамоа ва ҳакамларни майдонни тарк этгунларигача тўлалигича (шу жумладан, футбол майдонида ва стадион трибуналарида учрашувни тўхтатишга сабаб бўлган жамоат тартибини бузиш ҳолатлари) таймер белгилари

билан қайд этилган бўлиши лозим. Майдон “эгаси” бўлган клуб “меҳмон” жамоасига видеоёзувни амалга ошириш учун барча зарур шароитларни яратиб бериши лозим, учрашувдан кейин эса ЎзПФЛ вакили инспекторнинг талабига кўра бўлиб ўтган учрашувнинг видеоёзувини тақдим этиши лозим.

19.2 Учрашувнинг видеоёзуви тақдим этилмаса ёки қалбакилаштирилса, шунингдек, видеоёзув бўйича белгиланган талаблар бузилган бўлса, клубга нисбатан ЎФА томонидан интизомий ва жарима санкциялар қўлланилади.

19.3 Суперлига ва Про-лига клублари ушбу ҳуқуқларни амалга ошириш учун телерадиоузатувчилар билан шартнома тузиш ваколатини ЎФА, ЎзПФЛга топширади.

20-модда

ФУТБОЛ КЛУБЛАРИНИНГ ОАВ БИЛАН ИШЛАШИГА ОИД ТАЛАБЛАР

20.1 ЎФА ва ЎзПФЛ бош ахборот ҳамкорини белгилаш ҳуқуқига эга. Бу борада бош ахборот ҳамкорининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари у билан тузилган шартнома асосида белгиланади. Бош ахборот ҳамкорининг хизматлари ҳомийлик пакетларини сотиш ҳисобидан тушган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

20.2 Клуб ўз ихтиёрида меҳнат шартномаси тузилган ҳамда штатга киритилган матбуот котибига, ижтимоий тармоқлар билан ишлайдиган ва бевосита расмий сайтни юритувчи администраторга, фотосуратчига эга бўлиши лозим.

20.3 Клубнинг матбуот котиби ўз клуби ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиши, учрашувдан кейинги матбуот анжуманларини ўтказиши, интервью олиши ва Ўзбекистон профессионал футбол лигаси билан доимий алоқада бўлиши лозим.

20.4 Матбуот котиби жамоа билан сафар учрашувларига бориши ва матбуот анжуманларини қатнашиши шарт.

20.5 Матбуот котиби ЎзПФЛ матбуот хизматини клубнинг охириги янгиликлари (трансфер янгиликлари, жамоа мураббийлари ва раҳбарлари) ҳақидаги маълумотлардан хабардор қилиш учун масъул ҳисобланади.

20.6 Футбол клублари ўз матбуот котиблари томонидан веб-янгиликлар, ахборот бюллетенлари, хатлар ва бошқа кўринишида тарқатиладиган маълумотлар учун жавобгардир.

20.7 Профессионал футбол клубларининг расмий сайтлари Ўзбекистон профессионал футбол лигаси сайти гиперҳаволасида 2019 йилнинг 1 март кунига қадар жойлаштирилиши лозим.

20.8 Суперлига клубларининг матбуот котиби ўз уйида ўтказилган учрашувлар ҳақидаги ҳисоботни (протокол нусхаси, расмлар ва б.) ЎзПФЛга юбориши лозим.

20.9 Матбуот котиблари ўз сайтларида жамоанинг ҳар бир учрашувидан кейин батафсил маълумот беришлари шарт.

20.10 Матбуот котиби ўз клуби ва бошқа клубларнинг, шунингдек ЎзПФЛ ички фаолияти билан боғлиқ маълумотларни рухсатсиз чоп этишга ҳақли эмас. Ушбу талабларга риоя этмаслик интизомий санкциялар қўлланилишига, шу жумладан, клубнинг матбуот котиби лицензиясини бекор қилинишига асос бўлади.